

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

2000 йил 18 ноябр
Сотувда эркин нархда
№ 232-233 (2529-2530)



**Кеча
Самарқандда
Имом
Мотуридий
таваллудининг 1130
йиллигига
бағишланган
тантанали
маросим
бўлиб
ўтди**

2-3-бетлар

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИТАЛИЯ RESPUBLIKASIGA RASMIY TASHRIFIGA DOIR

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Италия Республикаси Президенти Карло Адзелио Чампининг тақлифига биноан шу йилнинг 20-22 ноябр кунлари расмий ташриф билан мазкур мамлакатда бўлади.

Бўлажак ташриф давомида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, ташриф чоғида икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ватанимга

*Муқаддас бу замин, табаррук тупроқ,
Шарафга бурканган она Ватаним.
Шаънига муносиб сўз топмоқ душвор,
Ҳам Онам у менинг, ҳам жону таним.*

*Ўзинг Марғионий чироғин ёқиб,
Ўзинг бешик бўлдинг Мотуридийга.
Чакканга шарафдан гулчамбар тақиб,
Шеър битгим келади Амуга, Сирга.*

*Бунчалар жаннатий гуллар, чечаклар,
Боғларда баҳоринг ошиғи ўзим.
Париваш жамолинг қаён етаклар,
Юлдузли наҳоринг ошиғи ўзим.*

*Озодсан, шаънингга қўшиқ айтаман,
Юртбошим улуғлаб токи танда жон,
Ўғлингман, сени деб ёнаман, Ватан —
Сенга фидо бўлсин жон, Ўзбекистон.*

Қахрамон САФАРОВ,
Сурхондарё вилояти,
Олтинсой тумани.



Давлатимиз
рамзлари

4-бет

Умидли дунё

— Бор эдим. Мушоирада Алишербек шундай ажойиб шеърлар ўқидики, маликул калом Лutfий уларнинг бир байтини ўзининг ўн икки минг мисра шеъридан аъло деб улуглади.

11-бет



6-бет

Клинтон қайнонаси билан сафарда

4-бет

Муҳокама учун
мавзу



5-бет

15-бет

Бокс академияси керакми?



Хукм ўқилди

Бу табаррук заминдан қут-барака,

Кўхна Самарқандга ҳар кун қанчалар сайёҳлар, зиёратчилар ташриф буюришади. Улар асрлар билан юзлашган бетакрор осори-атиқаларни ҳайрат билан томоша қилишади, азиз-авлиёлар мақбараларини зиёрат айлашади. Кун кеча бу қутлуғ заминга ташриф буюрган меҳмонларни самарқандликлар ўзгача эҳтиром, ўзгача такаллуф билан қарши олишди.

Муборак зиёратгоҳ

элларни элларга,
дилларни дилларга
боғлайди

«Халқ сўзи» махсус мухбири
Абдурасул Сатторовнинг
тантаналар нишонланаётган
жойдан репортажи



Президент Ислам Каримовнинг Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Меҳмонлар эрта тонгда, ҳали кўёш ётоғидан бош кўтармасданок шаҳарнинг кунчиқарида, калом илмининг пешвоси Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги шарафига барпо этилган ёдгорлик мақбара-мажмуида йўл олишди. Бу ерда дастлаб ўзбекиона удумга биноан дастурхонга ош тортилди. Аллома руҳини ёд айлаб қилинган тиловат гўё ҳаммани сеҳрлади. Айнан шу пайтда кўёш ҳам чарақлаб, нафақат диллар, балки бутун олам ёришиб кетди.

Тантаналарда иштирок этиш учун ташриф буюрган мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов мақбара-мажмуини зиёрат қилиб, бу ерда қисқа вақт ичида амалга оширилган ишлар билан танишди. Сўнг Юртбошимиз йиғилганлар ҳузурда Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таълимоти, унинг бой мероси ҳақида нутқ сўзлади.

Хорижлик меҳмонлар ва республикаимизнинг турли вилоятлари вакиллари аллома мақбара-мажмуини, барпо этилган сўлим хиёбонни ички ҳаяжон билан томоша қилишди.

Улуғ аллома Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва ижоди бевосита Самарқанд билан боғлиқ. Ул зот шу табаррук тупроқда туғилди. Бутун умри мобайнида шу ерда ижод қилди, дунёга танилди, ана шу муқаддас тупроқда мангуликка рихлат қилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори самарқандликлар зиммасига катта масъулият юкледи. Дастлаб аллома туғилган Мотруд қишлоғида, Афросиёбда ва улуғ зот дафн этилган Чокардиза қабристонидида тадқиқотлар ўтказилди. Олимларнинг тарихий манбаларга асосланган аниқ хулосаларидан сўнг, Чокардиза қабристонидида Имом Абу Мансур ал-Мотуридий мақбара-мажмуини барпо этишга киришилди. Қурилиш қисқа вақт — 59 кун давом этди. Шу кунлари кўхна Регистондан Чокардиза қадамжосигача бўлган жойга бутун Самарқанд аҳли кўчиб чиқди, ҳисоб. Қурилиш ишлари асосан хашар усулида ташкил этилиб, унда ҳар кун 600 нафардан ортиқ киши иштирок этди. Қабристон ҳудудини банд этиб турган иморатлар ва санаторий бинолари олиниб, мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги арафасида мақбара-мажмуанинг биринчи ғишти қўйилди. Ўша кунлардан бошлаб катта-кичик давраларда, тўйларда суҳбат мавзуи Имом Мотуридийнинг ўлмас мероси, Чокардизада тикланаётган мақбара-мажмуи ҳақида бўлди.

— Шундай кунларга етказганига шукур, — дейди нурободлик кекса ўқитувчи Амир Очилов. — Бир умр ёшларга тарих фанидан дарс бердим. Уруш кўрган одамман. Ёшим 90 га борапти. Лекин маънавийтимизнинг истиқлол давридагидек улуғланганини, қадриятларимизнинг қадрланганини кўрган эмасман. Бутун юртимиздаги ижобий ўзгаришлардан ёш боладек қувонаман. Қаранг-а, тарихчи бўлсам-да, шундай улуғ зотлар ҳақида дурустроқ тасаввурга эга эмас эканман. Энди эса мустақиллик туфайлигина ҳақиқатни англаб турибман. Имом Абу Мансур ал-Мотуридий мероси боқий. Айниқса, унинг асарлари бутунги ёшларимиз тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

— Ёшларимизга ҳавасим келади, — дея суҳбатга қўшилади Амирқул ҳожи Худоёров. — Қалблари пок, ақллари тиниқ уларнинг. Мамлакатимиз мустақиллиги, танланган тўғри йўл, миллий истиқлол гоёси ҳақида фарзандларимизнинг тўлқинланиб сўзлашларидан хурсанд бўлам. Кеча беш ёшли набирам «Бобожон, Имом Абу Мансур ал-Мотуридий катта олим экан, у ҳақида сиз ҳам биласизми?», деб қолди. Набирамнинг зукколигидан роса қувондим. Ўзлимизни англаган мустақиллигимизга, улуғ ишлар бошида турган доно йўлбошимизга тасаннолар айтдим.

Самарқанд давлат университети талабаси Алишер Мамаатовнинг мақбара-мажмуи очилишидаги сўзларига эътибор беринг-а.

— Мамлакатимиз Президенти биз ёшларга «Келажагимиз умидлари, мен уларга ҳамиша таянаман», дея юксак ишонч билдирди. Мен тенгдошларим номидан бутун мана шу қутлуғ қадамжода Юртбошимизнинг ишончини оқлашга ваъда бераман. Бобомиз Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг диний ақдлари бутунги кунда ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, биз ёшлар эътиқодида у янги қирралар

(Давоми 3-бетда)

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар! Қадимий ва бетакрор Самарқанд заминидида, мана шу муборак кунда сиз, азиз юртдошларимни, узоқ-яқиндан келган меҳмонларни яна бир бор чин қалбимдан самимий қутлаб, барчангизга ўз ҳурматимни билдириб, бағоят мамнун бўлганимни изҳор этмоқчиман.

Қадри дўстлар! Кун кеча биз кўхна Марғилонда буюк бобомиз Бурҳониддин Марғинонийнинг таваллуд айёмини ўтказиб, ул зотнинг руҳи покларини шод этган бўлсак, бутун яна бир улуғ аллома — Имом Абу Мансур Мотуридий ҳазратларини хотирлаб, бу беназир сиймо олдидаги инсоний бурчимизни адо этмоқ учун бу ерга йиғилдик.

Диёримизда Имом Мотуридий ва Бурҳониддин Марғинонийнинг таваллуд айёмлари бир пайтда ўтаётганида чуқур рамзий маъно бор.

Бу маъно, авваломбор, бу азиз инсонларнинг ибратли тақдирида, уларнинг илм-маърифат ва эзгуликка бағишланган ҳаётида, муқаддас динимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаларида мужассамдир.

Ҳаётининг мазмуни, олижаноб интилишлари муштарак бўлган бу икки улуғ зотнинг мана шу муқаддас макон — Чокардиза қабристонидида мангу ором топгани, хоки поклари ёнма-ён ётганини ҳам Яратганимизнинг кудрати ва марҳамати деб биламиз.

Ва насиб этса, Бурҳониддин Марғиноний бобомизга, у зот таваллуд ва камол топган Риштон ва Марғилонда барпо қилинган муҳташам мажмуа сингари, шу муқаддас жойда ҳам ёдгорлик бунёд этамиз.

Қадри дўстлар, азиз меҳмонлар!

Бутунги маросимдан фойдаланиб, Оллоҳ таолонинг назари

тушган шу табаррук заминда яшаб ўтган, ислом фалсафаси, ислом ақддаларини илмий асослаш, муқаддас динимизни соф ва пок сақлаш, уни улуғлаш ва тарғибу ташвиқ этишга беқиёс ҳисса қўшган ватандошларимизни, шу тупроқда униб-ўсган азиз-авлиёларни яна бир бор ёд этсак, уларнинг хотирасига яна бир бор таъзим қилсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Ислам дунёсининг устунлари бўлган Имом Замаҳшарий, Имом Термизий, Имом Насафий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори валий каби кўплаб мумтоз зотларнинг ҳаёти ва фаолияти бизнинг юртимизни нафақат мусулмон оламида, балки Мағрибу Машриқ дунёсида машҳур этганидан ҳақли равишда гурурланамиз.

Бу улуғ зотлар қаторида буюк аждодларимиз бўлмиш ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илмининг султони Имом Мотуридий, ўлмас «Ҳидоя» асарининг муаллифи шайхулислам Бурҳониддин Марғиноний боболаримиз алоҳида ўрин тутди.

Муҳтарам биродарлар! Имом Мотуридийнинг фаолияти ва таълимоти ҳақида гапирар эканмиз, аввало, бир масалани аниқлаб олиш лозим: унинг меросини нима учун улуғлаймиз, нима учун қадрлаймиз, нима учун бутун ҳам бу мероснинг ҳаётий таъсирини сезамиз?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар биз ислом тарихига назар ташласак, бу илоҳий динни англаш, уни тушуниш, тушунтириш, тарғиб қилиш ва поклигини сақлаш борасида асрлар мобайнида кўп-кўп баҳс-мунозара ва тортишувлар, ҳатто жангу жадаллар ҳам бўлиб ўтганини кўра-миз.

Узоқ тарихимиз давомида баъзи бир разил кучлар мўмин-мусулмонларни чалғитиб, ўзларининг ғаразли мақсад ва манфаатларига эришмоқ учун уларни тан-

лаган йўлидан қайтаришга не-не ҳаракатлар ва зуравонликлар қилиб келганига ҳам гувоҳ бўламиз.

Шунинг учун ҳам мусулмон жамияти ислом динимизни асраб-авайлаб, унинг маъно-мазмунини одамларга тўғри ва холис етказиб берадиган, уларни ҳидоят йўлига бошлайдиган фозил шахсларга доимо катта эҳтиёж сезиб келган.

Айтиш мумкинки, Имом Мотуридий ҳазратлари ана шундай тарихий зарурат натижасида майдонга чиққан мумтоз сиймо, улуғ алломадир. Буюк бобомиз яшаган даврда ҳам турли диний фирқа ва оқимлар ўртасида гоёвий қарама-қаршилиқлар, зиддият ва низолар кучайиб, қонли можаролар авж олган эди.

Мўмин-мусулмонлар учун бағоят хатарли ва таҳликали ана шундай бир вазиятда ҳазрати Мотуридий зўр матонат, авлодларга ибрат бўладиган фидойилик намунасини кўрсатди.

Ул зот Оллоҳ таоло ўзига ато этган беқиёс ақл-заковат ва илм билан тўғри йўлдан алашган оқимларга қарши кураш олиб борди.

Лекин бу курашда у ғанимларга қарши куч ишлатиб, қилич яланғочлаб жанг қилгани йўқ.

Аллома бутунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва таъсирини йўқотмаган ҳаётбахш куч, яъни гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат йўлини танлади ва умрининг охирига қадар шу йўлда со-бит қолди.

У жоҳил кучларнинг таҳдид ва тажовузларидан қўрқмай, ҳидоят йўлини йўқотган фирқаларга қарши кескин раддиялар битди. Ҳазрати Мотуридийнинг асарларидаги илмий асос ва мантиқ кудрати шу қадар кучли эдики, уни ҳатто алломанинг муҳолифлари ҳам оқир-оқибатда тан олишга мажбур бўлдилар.

Шунинг учун ҳам Мотуридий бобомиз ислом оламида «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлди.

(Давоми 3-бетда)

Меҳр-оқибат аримасин!

Президент Ислом Каримовнинг Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши 2-бетда).

Мана шу маънода, бу мўътабар зот ўзининг теран илми, пок этиқоли, сабот ва матонати билан ислом динининг софлиги учун курашар экан, келажак авлодлар манфаатини, сизу бизни ҳам ҳимоя қилган, деб ишонч билан айтишга ҳақлимиз.

Буюк бобомизнинг бутун ислом олами, ўз халқи, ўз Ватани олдидаги яна бир улкан хизмати шундан иборатки, улуғ ватандошимиз этиқод илми — муқаддас динимизни қандай тушуниш ва унга қандай амал қилиш таълимоти янада ривожлантирди. Ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини халқнинг миллий урф-одатлари, асрий анъаналари билан уйғунлаштирди.

Ҳазрати Мотуридийнинг ўзинчи асрадақ диний ғояларни гаразли мақсадлар йўлида қуролга айлантириш, мутаассиблик ва жоҳиллик ботқоғига ботиб қолиш қанчалик хатарли эканини асослаб бергани биз учун айниқса муҳимдир.

Аллома бобомиз: “Дин йўлидаги барча адашуларнинг бош сабаби — риёкор кимсаларга кўр-кўрона эргашилмади”, деган эди.

Бу сўзларнинг нақадар ҳаққоний эканини, ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаганини бугун дунёда рўй бераётган юзлаб воқеалар мисолида яққол кўриб турибмиз.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, жаҳоннинг турли бурчакларида диний низолар асосида содир этилаётган қонли тўқнашуларнинг асарияти ақидапарастилик, сохта ғояларга кўр-кўрона эргашил, нодонлик ва жоҳиллик оқибати эмасми?

Муҳтарам ватандошлар! Имом Абу Мансур Мотуридий қолдирган меросини яна бир ибратли томони шундаки, у диний этиқод борасида ашаддийлик ва тоқатсизликни рад этди, мўътадиллик ва бағрикенгликни ёқлаб чиқиб, бу муҳим тамойилни жамият ҳаётининг мезонига айлантиришга интилади.

Аллома, ҳар бир инсоннинг ҳаёти Яратган томонидан белгиланади, лекин одамзотта йўл танлаш ихтиёри ҳам берилган, бинобарин, у ўз хатти-ҳаракатлари ва қилмишлари учун аввало Парвардигор олдида, халқ ва жамият олдида масъулдир, деган фикрни қатъий туриб ҳимоя қилади.

Имом Мотуридий таълимоти ана шу инсонпарварлик моҳиятига кўра, инсоният ҳаёти ва тараққиётини яхшилик ва поклик сари, адолат сари йўналтиришга, одамларни миллати, тили, динидан қатъи назар, ўзаро аҳил, баҳамжиҳат, меҳр-оқибатли бўлиб яшашга даъват этади.

Бу мўътабар сиймо ўзининг “Китоб ут-тавҳид”, “Китоб ул-таъвилот” каби ўлмас асарларида халқимизга мансуб бағрикенглик, олижаноблик ва тараққийпарварлик каби улуғ фазилатларни ёрқин намоян этгани билан ҳам бизга айниқса қадрлидир.

Ул зот асос солган диний таълимот — Мотуридийа мактаби Шарқ мамлакатларида катта шўҳрат топишига бўлган сабаб шунки, унда илгари сурилган ғоялар ислом динимизнинг моҳиятини тўғрилиқ, эзгулик, инсонийликда деб биладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қарашлари ва интилишлари билан ҳамроҳанг эди.

Шу боис Мотуридийа мактабида таълим олган турли миллат вакиллари бўлмиш олимлар, Ҳазрат Мотуридийнинг минглаб издошлари, маънавий шоғирдлари унинг таълимоти ва меросини дунёнинг кўп-кўп мамлакатларида тарғибу ташвиқ этиб, янада ривожлантирдилар.

Хурматли биродарлар! Бугунги кунда, йигирма биринчи аср бўсағасида, башариёт мураккаб тараққиёт жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасидаги мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, Имом Мотуридий бобомизнинг: “Агар одамлар яхшилик йўлида бирлашса, Ярат-

ганимиз улардан ўз марҳаматини дариг тутмайди”, деган ҳикматли сўзларида бизнинг замонамиз учун ҳам ибратли сабоқлар бор, десак, хато бўлмайди.

Бугун бобомиз Имом Мотуридийнинг фаолияти ва қолдирган беназир мероси ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда бу меросни янада чуқурроқ ўрганиш, бу зотга катта эҳтиром билан қараб, тадқиқотлар олиб бораётган хорижий олимларнинг, биродарларимизнинг кўмак ва ёрда билан алломанинг ҳозирча топилмаган бебаҳо асарларини нафақат Ўзбекистон, балки барча мусулмон мамлакатларида излаш, уларни таҳлил этиш, замондошларимиз ва ёш авлодларга етказиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Имом Мотуридий бобомизни зиёрат қилмоқ ниятида ўз қимматли вақтларини аямасдан узоқ-яқин ўлкалардан юртимизга ташриф буюрган, ушбу маросимда иштирок этаётган азиз меҳмонларимизга бутун халқимиз номидан, Имом Мотуридийнинг бугунги авлодлари номидан беқияс хурмат ва эҳтиромимизни изҳор этишдан бахтиёрман.

Муҳтарам юртдошлар! Азиз меҳмонлар!

Буюк аждодаларимизнинг бебаҳо меросини тиклаш, қадр-қимматини жойига қўйиш, уларнинг қадамжо ва зиёратгоҳларини обод қилишдек бахт сиз билан бизга насиб этганидан ҳар биримиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Қадимий заминимизда ўтган бу улуғ зотларнинг яна бир хосияти шундаки, уларнинг шарофати билан табаррук макбаралар, тарихий обидаларгина эмас, балки миллий тафаккуримиз, маънавиятимиз, миллий гуруримиз, энг муҳими, халқимизнинг тарихий хотираси қайта тикланмоқда.

Муҳтарам дўстлар! Биродарлар! Самарқанд аҳли ўз қадимий тарихига ихлос қўйган, ўзидан ўлмас мерос қолдирган улуғ мутафаккирлари, аллома ва азиз-авлиёларининг муборак номлари-

ни эъзозлаб, уларнинг хотирасини тиклаш йўлидаги савоб ишлари билан ўрнак бўлиб келаётган саховатли халқдир.

Самарқанд тупроғини азиз бўлиб, уни севиб-ардоқлаб, бир умр шу ерда муқим яшаган, ўзининг мислсиз фаолияти билан шу муқаддас заминни бутун дунёга машҳур этган, эзгу дуолари бугун ҳам бизга куч-қувват бағишлаб турган Абу Мансур Мотуридий бобомизга кўрсатаётган хурмат-эҳтиромимиз ана шу буюк ихлоснинг яна бир далолатидир.

Мана шу муҳташам ёдгорлик мажмуининг гоят қисқа фурсатда — тўрт ой давомида бунёд этилганини ҳам ул табаррук зотга бўлган халқимиз меҳр-муҳаббатининг ифодаси деб биламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Имом Мотуридий бобомизнинг муборак макбарасини қайтадан тиклаб, бу жойни қутлуғ зиёратгоҳга айлантириш йўлида сизқилдидан меҳнат қилган меҳмор ва муҳандисларимизга, қўли гул уста ва қурувчиларимизга самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз зотларнинг номларини улуғлаб, макбаралари ва қадам-жоларини тиклаб, асраб-авайлаб обод этаверсак, Самарқанд нафақат сайёҳлар маконига, балки бутун дунёдан зиёратчилар интилиб келадиган қутлуғ бир масканга айланиши муқаррар.

Ҳамиша олижаноб ишларнинг бунёдкори бўлган, ўзининг меҳнати, қалб саховати билан мана шундай савоб ишларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Самарқанд аҳли билан, сиз қадрли ҳамшаҳарларим билан ҳар қанча гурурлансам арзийди.

Азиз ватандошларим!

Бугунги шуккуҳли дақиқаларда Имом Мотуридий бобомизни хотирлаб, яна бир бор фарзандлик ҳурматимизни изҳор этар эканмиз, ул зотнинг руҳи поклари шод бўлсин, юртимиз доимо тинч, халқимиз доимо омон бўлсин, дея тилак қиламиз.

Бу табаррук заминдан қут-баракат, меҳр-оқибат аримасин!

Барчамизни Парвардигоримиз ўз паноҳида асрасин!



«Сизни ҳеч кимга бермаймиз»

Фарғона заминидан етишиб чиқиб, билиму саховати билан дунё илму урфонини юксалтиришда беқияс хизмат кўрсатган бобомиз Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳазратларининг муборак тўйларида қатнашиш биз ёшлар учун катта бахт, унутилмас шодлик ҳисобланади. Айниқса, Юртбошимизнинг маърузаларини юзма-юз тинглаш, улар билан ёнма-ён туриб тилак билдириш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Мен ҳануз кечаги тантаналар сурури, қалбимда бир ўчмас оловли туйғу билан юрибман.

Юртбошимиз буюк аллома бобомиз тўйларида нафақат биз марғилонлик ёшларнинг қўнглини кўтариб, бошларини силади, қаддимизни ҳам сарбаланд этди, шу мустақил юртининг келажаги, эртаси бизнинг қўлимизда эканлигига ишончимизни яна ҳам орттирди. Бунинг учун биз истиқлол ғояларига садоқат билан хизмат қилишимиз, буюк аждодаларимиз қолдирган бой илмий ҳамда маънавий меросни изчил ўқиб-ўрганишимиз, овоз ва обод юртимизнинг буюк келажagini янада яқинлаштириш учун бор қобилиятимиз, билимимизни сарф этишимиз кераклигини тенгдошларимиз қайта-қайта тақоррлашдан чарчашмаяпти.

Юртбошимиз кўп бора «Ўзбекистон ёшлари менинг фарзандларим, уларни ҳеч кимга бермайман», деб тақоррлайди. Бурҳониддин бобомизнинг тўйи муносабати билан бўлиб ўтган маъракада сўзга чиқиб, барча тенгдошларим номидан «Биз ҳам Сизни ҳеч қачон, ҳеч кимга бермаймиз!», деб айтганимизда, Юртбошимиз мени бағирларига босди. Бу самимий, қайноқ тафтни, меҳрни бир умрга унутмайман.

Хушнуд ҲАЙДАРОВ,
Фарғона давлат университети
II курс талабаси.

Муборак зиёратгоҳ

(Давоми. Боши 2-бетда).

очиб борапти. Биз бундай табаррук зотларнинг фақат истиқлолимиз туфайлигина қайтадан кашф этилаётганини яхши англаймиз. Ўзимиз эса бутун кучимиз, билимимиз билан овоз Ватан равнақига сизқилдидан хизмат қиламиз.

Мақбара-масжид биносига қўйилган ҳар бир ғишт, мрамар ва қошинлар, уларга берилган бе-закларда, мовий гумбаз равоқларида гўё ҳаёт яшнайдди. Ҳовли саҳнадаги яшиллик анвойи гуллар

йилнинг истаган пайтида кўклар тароватини ёдга солиди.

Зиёратгоҳни салобатли Регистон билан боғловчи «Бухоро» ва «Ғиждувон» кўчалари, «Кулодон» тор кўчасининг ҳам бугун кўрки ўзгача. XVI асрнинг мемориал ёдгорлиги бўлган Маҳдуми Хоразмий масжиди ҳам асл қиёфасини тиклади.

Ҳа, буюк аллома Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратларининг қутлуғ тўйлари шарофати билан кўҳна Самарқанд янада жамол очди. Тўйга ташриф буюрган меҳмонлар нигоҳи дастлаб Регистон майдонидаги ободончилик ишларига тушди. Бу ерда эски кинотеатр ва бир қанча пастқам иморатлар ўрнида сўлим хиёбон барпо этилган. Уч гектарлик мазкур хиёбонда меҳнат қилган ҳашарчиларнинг ғайрат-

шижоати туфайли мазкур жой қисқа вақтда гулларга бурканди, шинам йўлақлар барпо этилиб, нақшкор ғиштлар ётқизилди.

Аллома тўйига ташриф буюрган хорижий меҳмонлар мустабид тузум даврида руҳи-поклари топталган аждодаларимизга буюк эҳтиром кўрсатилаётганидан, Юртбошимиз раҳнамолигидаги улкан ўзгаришлардан мамнуният билдиридилар. Шу кун меҳмонлар ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасини ҳам зиёрат қилишди. Айни шу ерда «Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тутган ўрни» мавзуда илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда дунёнинг 30 га яқин мамлакатлари вакиллари қатнашдилар.

Олмониялик мотуридийшунос олим Ульрих Рудольф Имом ал-Мотуридийнинг калом илмида машҳурлиги ҳақида гапириб, алломанинг Оллоҳни юқори қўйиши, унинг қарашларидаги ишонч


ва ғоянинг тўғри эканлигига алоҳида тўхтади.

— Мамлакатимизда Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таълимоти гоят қадрли, — деди туркиялик олим Аҳмад Уйғур. — Ҳозиргача мамлакатда аллома ижоди ҳақида ўнлаб китоблар нашр этилди. Биз Ўзбекистонда бундай улуғ зотларга эҳтиром кўрсатилаётганидан гоят бахтиёрмиз.

Ҳа, номи етти иқлимда машҳур кўҳна Самарқанд заминидан дунё тан олган яна бир юртдошимиз, калом илмининг пешвоси Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратларининг қутлуғ зиёратгоҳига зиёратчилар кела бошлади. Табиийки, улар орасида чет эл фуқаролари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Демак, мустақил Ўзбекистон номининг олам узра жаранглашида бу қутлуғ қадамжонинг ҳам ўз ўрни бўлади. Улуғ бобомиз таълимоти, боқий мероси элларни элларга, дилларни дилларга боғлайвериши шубҳасиз.

СУРАТЛАРДА: тантанали маросимнинг очилиш пайтидан лавҳалар.

Д. ЮСУПОВ,
Т. НОРҚУЛОВ (ЎЗА)
олган суратлар.





Давлатимиз
рамзлари

Миллат ифтихори

Мустақиллик, озодлик, ҳуррият. Мен ҳар гал жаҳон узра озод Ўзбекистонимиз байроғи хилпираганда бу сўзларнинг асл маъносини дил-дилдан ҳис қиламан. Қалбим фахр ва ғурурга тўлади. Ахир, қувонмай, ғурурланмай бўладими?!

Зотан, халқимиз бугун ўзлигини англамоқда. Минг-минг йиллар мобайнида шакланган, сайқал топган маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, анъанаю одатларимиз қайта кашф этилди. Мамлакатимиз ўз Конституциясига, давлат байроғи, мадҳияси ва тамғасига эга бўлди. Уларда халқимизнинг узоқ ўтмиши, бугуни, порлоқ келажаги, орзу-истаклари, интилиши ўз ифодасини топди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди».

Бугун давлатимиз рамзларидан бири — байроғимиз тасдиқланганига 9 йил тўлди. Бехос унга тикилиб миллий ўзлигимизни, анъаналар давомчилигини, қолаверса, она табиатимизнинг бетакрорлигини дилдан туяман. Дарвоқе, байроғимиздаги ҳаворанг тириклик манбаи

— оби ҳаёт, беғубор осмон, тимсоллар тилида эса эзгулик, донишмандлик, софлик, ҳалоллик ва садоқат ифодаси. Оқ ранг — тинчлик, беғуборлик, поклик, юрт фарзандларининг истиқлолий тараққиёт йўли мусаффо ва хайрли эканлигидан далолат. Қизил рангли йўллар — томирдаги қон, ҳаётнинг куч-қудрат, шунингдек, озодлик учун жон фидо қилган аждодларимиз тўққан қутлур қонга ишора ҳамдир. Яшил ранг эса она табиатнинг гўзал тимсоли...

Хуллас, кеча, бугун ва эртаимиз давлатимиз байроғида тўла акс этган, десам адашмайман. Шунинг учун ҳам унда ифодаланган ғоялар барча-барчамизнинг онгимиздан, кўнглимиздан жой олиши, ўчмас бўлиб муҳрланиши, муқаддас ва азиз ақидага айланиши шарт. Шундагина жаҳон узра мағрур хилпираётган байроғимиз олдимизда турган эзгу мақсадлар, зафарлар сари бошлайверади. Миллатнинг ўчмас ифтихори бўлиб қолаверади.

Бу кун юртимизнинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган фуқароси байроғимизнинг юракка яқин тасвирини бехато айтиб бера олади. Уни узоқдан ҳам бехато

танийдилар. Илло, ана шундай бўлиши ҳам керак. Нафақат давлатимиз байроғини, балки бизни қай миллат ва элатлар тан олаётгани, Юртбошимизнинг жойларда бўлиб, элимиз равнақи учун қўшаётган оламшумул ҳиссасини ва ҳар бир тонгимизда юз бераётган улкан ўзгаришларни кўриб қалбимиз ифтихорига тўлади. Спортчиларимиз байроғимизни жаҳон узра баланд кўтариб олтин, кумуш, бронза медаллари билан шохсупага чиққанида унинг тимсолида халқимизнинг куч-қудрати, шижоат ва матонати намён бўлади. Бугун юртимиз фарзандларининг кўрсатаётган қаҳрамонлиги, жасорати, умуман эзгу ишлари ўзбекининг дунё халқлари орасида тўла ҳуқуққа эга миллат эканини англатади.

Давлатимиз рамзлари ҳақида сўз борар экан, гап мавзуи ўз-ўзидан миллий қадриятларимиз томон бурилиб кетаверади. Миллий қадриятларимиз асослари бўлган аждодларимиз хоки ётган она тупроқ жуда муқаддасдир. Кўнглимизда азалий қадриятларимизга, муқаддас тупроққа улкан меҳр яшайди. Бу меҳр бизни кун сайин улғайтиради, юксалтиради. Шу меҳримиз билан тирикчимиз, улуғ ва юксакчимиз. Ҳар биримиз озод ва азиз юртимизнинг эгаларимиз. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Дилором ВОҲИДОВА,
фалсафа фанлари
номзоди, доцент.

Муҳокамада — долзарб масала

Сирдарё вилоят ҳокимлигида 2001 йил ҳосили учун тайёрларлик йўлида олиб борилаётган кузги шудгор, шўр ювиш, кузги бошоқчи дон экинларини парваришlash ва бошқа қишлоқ хўжалик тадбирларини ўз вақтида, уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимият қошида тузилган гуруҳлар раҳбарлари, котибият мудирлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, қишлоқ хўжалигига дахлдор бошқармалар ҳамда муассасаларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков олиб борди.

Йиғилишда шўр ювиш, майдонларни келаси йил экин мавсумига тайёрлаш ишлари вилоятда суст олиб борилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шўр ювилмас экан, чўл шароитида юқори ҳосил олиб бўлмайди. Буни барча сирдарёликлар жуда яхши тушунадилар. Шунга қарамай,

вилоят туманларининг барчасида бу муҳим тадбирга сўнгги йилларда етарли даражада аҳамият берилмади. Ачинарлиси шундаки, айрим туманларда бундай «боқибегамлик» кайфияти ҳамон давом этмоқда.

Сирдарёда бу йил декабр ойида, янги йилнинг бошланишида барча майдонларда шўр ювишни сифатли ўтказиш учун барча имкониятлар мавжуд. Шундай экан, бутун куч ва воситалар ана шу муҳим тадбирни бекаму кўст ўтказишга қаратилиши лозим.

Йиғилишда туман ҳокимларининг кун тартибидаги масалалар юзасидан ахборотлари тингланди. 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш жараёнида юзага келаятган муаммолар ўртага ташланди. Уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Йиғилишда Сирдарё вилояти ҳокими А.Исроилов сўзга чиқди.

Тўлқин АҲМАДАЛИЕВ,
ЎЗА мухбири.

• Кеча суд залида

Ҳукм ўқилди

17 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида террорчилик, мамлакатимиз Президентининг ҳаётига ва Конституциявий тузумга тажовуз қилишда айбланувчи 12 нафар шахс устидан олиб борилган суд жараёни якуни топди. Шу кунгача судланувчилар иши очиқ суд мажлисида кўриб чиқилиб, суд ҳайъати айбланувчи, жабранувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитди. Дастлабки тергов жараёнида тўпланган далиллар кўздан кечирilib, тарафларнинг музокаралари ҳамда судланувчиларнинг охириги сўзлари тингланди.

Суд мажлиси раиси Бахтиёр Жалолов дастлаб Т. Йўлдошев ва Ж. Ҳожиев раҳбарлигидаги жиноий уюшма аъзоларининг ўтган йиллар ичида қилган қотилликлари, босқинчилик жиноятлари ва кўпуровчилик ҳаракатлари ҳусусида гапириб, уларнинг бу қилмишлари очиқ суд жараёнида яна бир бор тасдиқланганлигини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси номидан жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ҳукмини эълон қилди. Таъкидлаш жоизки, суд ҳайъати давлат қораловчиси томонидан қўйилган айбловдан баъзи моддаларни чиқариб ташлади, баъзилари эса умумлаштирилди. Ҳукмга кўра,

одил суддан қочиб юрган халқаро террорчилар Тоҳир Йўлдошев ва Жумабой Ҳожиев олий жазо — ўлимга ҳукм қилинди. Муродилла Қозиев ва Улуғбек Бобононовга 20 йил, Ҳамиджон Раҳмонов ва Шавкат Каримовга 19 йил, Нажмиддин Жалолов ва Йўлдош Умаровга 18 йил, Садаи Мадаминов (Муҳаммад Солих)га эса 15 йил 6 ой қамоқ жазоси тайинланди. «Қора курси»дан жой олган Улуғбек Маҳмудов — 16 йил, Олимжон Абдувоҳидов — 14 йил, Усмон Шукуров — 12 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ҳукмга бинноан, барча судланувчиларнинг мол-мулк мусодара қилинди.

Шу билан бирга, ҳукмда давлатга ва жабранланганларга етказилган зарар судланувчилардан мутаносиб тарзда ундирилиши белгиланди. Судда ҳозир бўлган судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан, қочувда бўлганлар эса ҳукм матбуотда эълон қилингандан бошлаб 10 кун муддатда кассацион шикоят киритишлари мумкинлиги қайд этилди. Айни пайтда олий жазога ҳукм қилинган судланувчилар авф сўраб, мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Ўз мухбиримиз.

Дин ОИТСга қарши

Куни кеча республика санитария-эпидемиология марказида ОИТС касаллиги олдини олиш ва унга қарши кураш чоралари бўйича диний назорат идораси ходимлари иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинар кенгашда Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раҳбари ўринбосари ҳожи Абдуразоқ Юнусов сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Ҳамма динлар ўша дин тарғиботчиси бўлган пайғамбарлар номи билан боғлиқ. Исломи дини эса салом, яъни саломатлик маъносини англатади. Исломидаги фарз ва суннат амалларининг ҳаммаси ушбу мақсадга хизмат қилади. Инсон саломатлиги учун зарарли одатлар Исломида рад қилинади.

Д. ТУРҒУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Муҳокама учун
мавзу

Одилжон
НОСИРОВ,
профессор.

Талабалар учун махсус форма керак!

Ушбу мақолада айтилмоқчи бўлган фикрлар миямга бундан беш-олти йил олдин келган эди. Аммо масалани чуқурроқ ўрганиш мақсадида шошмаганим. Назаримда, энди бу ҳақда ёзмаликнинг иложи йўқ кўринди.

Мен Наманган давлат университетиде 40 йилдан ортироқ вақт ишладим. Талабалар ва ўқитувчилар ҳаёти, меҳнати ва шарт-шароитлари, ётоқхоналар ва улардаги яшаш тарзи, қиз ва йигитларнинг шахсияти, ниҳоят, маълум даражада уларнинг руҳияти, орзу-интилишлари билан дурустига танишганман, деб айта оламан. Қолаверса, бу ҳақда ҳамкасбларим, талабалар, уларнинг ота-оналари билан ҳам суҳбатлашганман. Шу боис, қуйидаги фикрларни айтишга маънавий ҳуқуқим бор, деб ҳисоблайман.

Мактаблар, гимназия ва лицейлар талабалари учун бир хил чиройли кийимларнинг жорий этилиши ва амалда қўлланилиши яхши натижаларга олиб келётганига гувоҳман. Аммо олий ўқув юртида бу ҳол йўқ. Оқибатда талаба ким, ўқитувчи ким — бундан ажратиб бўлмайди. Ўқув даргоҳига гоёат қимматбаҳо матолардан охириги модала тикилган кийимлар билан келадиганлар бор. Уларнинг ўзларини тўтишларига қараб, булар бу ерга ўқиш учун эмас, кийимларини кўз-кўз қилиш учун келётган бўлсалар керак, деб ўйлайсан киши. Бундайлар ўз тенгқурларига ҳам, университетдаги курсдошларига ҳам, ҳатто муаллимларга ҳам беписанд муносабатда бўлади. Аммо ўқиш наридани бери. Бугина эмас, бойвуччага ўхшаб кийинишни истовчилар ота-оналарига тинчлик беришмайди, улардан олиб келинган пулларни овқатланиш, ўқув қуроллари сотиб олишга эмас, кийим-кечакка сарф қиладилар. Ҳатто кийиниш учун пул топиш мақсадида ёмон йўлларга кириб кетган айрим талабаларни ҳам биламан.

Бошқа бир гуруҳ талабалар ўқув даргоҳига узун беўхшов қора кийим, оқ рўмол ўраб, кўзларига кўринадиган ҳолда кела бошладилар. Бу билан ўзларининг диндорликларини намойиш қилиш, бошқалардан шу жиҳатлари билан ажралиб туришга интиладилар. Уларга бу ҳақда гапирсангиз, менинг виждон эркинлигимга даҳл қилманг, дейишгача бориб етидилар. Айни

замонда рус тили, чет тили факультетининг талабалари Европа русумидаги ҳаддан ташқари калта, ёқалари кўкракларидан пастгача очик қўйлак, тор шим киядилар, уларга нега индамайсилар, деб бизга таъна ҳам қиладилар. Албатта, бу гапларда ҳам ҳақиқат бор. Қизлар орасидаги энг сўнгги мода киндикни очиб кийим кийиш бўлапти. Бундай толиба билан гаплашиш, унинг рўпарасида туриб дарс бериш киши руҳиятига ёмон таъсир қилиши олий мақтабнинг ўқитувчиларига яхши маълум. Кўзингизни қаер-

га қаратишингизни билдирмай гаранг бўласиз. Бир сўз билан айтганда, кийиниш эркинлигининг ижобий натижаларидан кўра салбий оқибатлари кўпроқ.

Биз, ўқитувчилар, талабалар билан бу ҳақда кўп гаплашамиз, аммо натижа қутилгандай бўлмаётир.

Мана шундай пайтларда республикамиздаги барча олий ўқув юртилари талабалари учун мажбурий равишда ягона кийим — талабалар формаси жорий қилинса, ўқув даргоҳига шундай кийим билан келиш мажбурий талаб бўлса, яхши эди, деган фикрга келамиз. Мен ҳам шахсан бундай фикрни қўллаб-қувватлайман.

Ягона талабалар формасининг бўлиши, энг аввало, юқоридаги ноҳушликларга чек қўяди. Иккинчидан, бундай ҳол ҳаммада интизомга, тартибга бўйсунуш, унга амал қилиш одатини тарбиялайди. Жаҳондаги армияларда ва тартиб кўриқчилари интизоми кийимлар формасидан бошланиши узоқ асрлардан маълум. Албатта, мен ўқув юртида ҳарбий интизом бўлиши тарафдори эмасман, ҳарбий интизом билан фуқаролик интизоми орасида катта фарқ борлигини яхши биламан. Талабалар учун мажбурий тартиб-интизом ҳам бўлиши лозимлигини уқтирмоқчиман, холос.

Айтилганлардан мудоаа шуки, мутасадди ташкилотлар талабалар формаси, унинг арзон, қулай ва замонавий бўлиши кераклиги тўғрисида ўйлашса-да, бундан ҳаётга жорий этишса. Ўқитувчилар ва муаллимлар эса ўз кийинишлари билан талабаларга намуна бўлишса, бу ноҳушликларнинг олди олинган бўларди.

Бошқа ҳамкасблар, жамоатчилик, талабаларнинг ота-оналари ва талабаларнинг ўзлари ҳам бу ҳақда фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб умид қиламиз.



КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ»

ОЧИҚ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида корхоналарнинг меҳнат жамоалари ва эркин савдо учун мўлжалланган акция пакетлари тўлиқ сотиб бўлинди;
- 1999 йил якуни бўйича акционерларга дивидендлар белгиланди ва тўланди;
- вилоят корхоналари ва маҳаллий шохобчалари ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий-иқтисодий даражасини тубдан ошириш, бошқарув идоралари тизимини такомиллаштириш, янги ускуналар ва технологиялар негизига техник воситаларни модернизациялаштириш бўйича амалий тадбирларни бажармоқдалар;
- чет эллик сармоядорлар билан фаол ҳамкорлик ривожланмоқда, жумладан қонунда кўзда тутилган акция пакетларини уларга сотиш амалга оширилмоқда.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги 253 - қарорига биноан «Тошкент телеком» ҳиссадорлик жамиятининг акция пакетлари қуйидагича бўлиниши белгиланган:

- давлат мулки ҳисобидаги улуш — 80 %
- эркин савдога чиқариладиган улуш — 15,3%

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

Давлат мулки кўмитаси идоралари билан келишган ҳолда ва акционерларнинг қарорига асосан,

«Тошкент телеком» очик ҳиссадорлик жамиятининг мамлакатимиз корхоналари, ташкилотлари ва фуқаролари учун қўшимча акциялари пакетининг эркин савдоси ташкил этилди. (Бир акциянинг номинал қиймати 1000 сўм).

Телекоммуникация корхоналарининг акциялари, бу — маблағингизни жойлаштиришнинг энг қулай усули бўлиб, яқин кунларда узоқ муддат кафолатли сақлаш ҳамда фойда кўриш гаровидир.

«Тошкент телеком» очик ҳиссадорлик жамияти акцияларини сотиб олинг!

Маълумот учун телефонлар: 54-36-91, 133-92-34.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 17-А уй.

«Тошкент телеком» очик ҳиссадорлик жамияти.

Автомобилнингизни

Х.КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда тадбиркорлик учун катта имкониятлар яратилаётганлиги боис, у тараққий этиб бормоқда. Ҳозир қайси соҳада бўлмасин, бирон-бир хизмат кўрсатиш шохобчасига ишингиз тушса, у ердаги замонавий хизматни кўриб, хурсанд бўласиз. Кайфиятингиз кўтарилади.

Пойтахтимиздаги Паркент кўчаси бўйлаб юрсангиз, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ёнида, шундоқ кўчанинг юзида самолёт макети бор. Унинг қаршисида бундан бир йил олдин «Кортеж» автомобилларга хизмат кўрсатиш фирмаси қурилганди. Тадбиркор М.Юхананов Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Осиё кредит компаниясидан маблағ олиб, Америкадан автомобилларни ювиш ускуналарини олиб келиб ўрнатди.



«Кортеж»га юбина!

«Ўзтадбиркорбанк» кредит лойиҳаларини экспертдан ўтказди.

Ҳозир фирма автомобилларга жохон талаблари даражасида хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда узоғи билан ўн минутда автомобил ювилади ва қуритилиб, тоза бўлиб, чиқиб кетади. Корхона дам олиш кунисиз, кечаюкундуз ишлайди. Шохобча кўрсатаётган сифатли замонавий хизмати бўйича республикамизда ягонадир. Шунингдек, автомобилнинг кузови қирилган ёки озроқ шикастланган бўлса, усталар бир зумда асл ҳолига келтиришади. Мотордаги но-

созликлар ҳам тез фурсатда бартараф этилади. Яна бир муҳим томони, ювиш учун ишлатиладиган сув насос ёрдамида ернинг тагидан олинди.

Шу билан бирга корхонада автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар дўкони ва буфет фаолият кўрсатмоқда. Хуллас, бу ерда миҳозларнинг машиналарига жохон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш билан биргаликда, қисқа фурсатда бўлса-да уларнинг мароқли дам олишлари учун ҳамма шарт-шароит мавжуд.



Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Италия — мўъжизалар юрти

**Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

Кейинги пайтда дунёда юз бераётган ўзгаришлар, турли мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига мувофиқлашуви ҳамда умумбозор сари тобора кўпроқ интилиши жараёнида қайси бир давлатнинг қандай қулай жуғрофий маконда жойлашгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, Италияга омад кулиб боққан, деса бўлади. Европанинг жанубида, Ўрта ер денгизи ҳавзасида жойлашган бу мамлакатда Апеннин ярим ороли, Сицилия, Сардиния ороллари ва бошқа бир қанча майда ороллар мавжуд. Унинг бандаргоҳлари юк сими бўйича қитъада олдинги ўринларда туради. Италиянинг киши ҳайратига сабаб бўлувчи бор мўъжизаси шугина эмас.

Маълумки, ушбу юрт цивилизациянинг бешиги саналади. Европа тараққиётининг истиқболлини белгилаб берган уйғониш даври ҳам айнан Италиядан бошланганлигини яхши биласиз. Асрлар силсиласига бардош бериб келаятган кўплаб тарихий обидалар, «очиқ музей шаҳри» — Венеция нафақат италияликлар, балки бутун дунё маданиятининг қиёси йўқ бойлигидир. Италиялик Данте, Петрарка, Боккаччо сингари шоирлар, Леонардо Да Винчи, Микеланжело, Салвадор Дали каби мўйқалам соҳибларини ким билмайди, дейсиз? Шу боис ҳам Италияни жаҳон маданияти бешикларидан бири, дейиш мумкин.


Бугун Италия — Европа Иттифоқи (ЕИ) ва НАТОнинг фаол аъзоси. Дунёда ривожланган етти давлатнинг бири. ЕИга аъзо давлатларнинг ягона иқтисодий валютасини ташкил этиш ғоясини ҳам айнан ушбу мамлакат ҳукумати илгари сурган. Шу билан бирга, Италия сиёсат бобида ҳам жаҳондаги энг нуфузли давлатлардан саналади. Бир мисол. 1997 йил бошида Албанияда юз берган можароларни тинч йўл билан ҳал этишда Италия «нажот қалъаси» вазифасини бажарган эди.

Агар мамлакат тарихига назар ташласак, Италия иккинчи жаҳон урушидан сўнггина ривожланиш, эркин тараққиёт сари қадам ташлаганлигига гувоҳ бўламиз. Ана шу қисқа давр ичида «Фиат», «Альфа-Ромео» ва «Феррари» автомобиллари дунё юзини кўрди. Ҳақли савол туғилиши мумкин: бу каби иқтисодий мўъжизаларга эришишнинг сирини нимада?

Кўпчилик кузатувчилар аини шу хусусда фикр билдираётган экан, бу халқнинг ҳукуматга ва ҳукуматнинг халққа бўлган ўзига хос ишончи туфайлидир, дея изоҳлашади. Бу гапда жон бор. Чунки оддий италиялик сиёсат сиёсатдонлар учун, ҳукумат эса ҳар қандай шароитда ҳам халқ манфаатини кўзлаб иш тутуши керак, деган қатъий фикрда. Ўз навбатида ҳукумат тепа-

Осиё қитъасида жойлашган. Бироқ ҳар икки мамлакатнинг бир-бирига қизиқиши узоқ йиллардан буён давом этиб келмоқда. Илгари бу масофани карвонлар яқинлаштирган бўлса, эндиликда бу йўлни улкан ҳаво лайнерлари бир неча соат давомида бирлаштирмоқда. Қолаверса, ўзбек ва италиян халқларининг кўнглидаги яқинлик олдида масофа ўз қадрини йўқотади, — дейди Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Леопальдо Жакомо Мария Ферри де Ладзара.

Дарҳақиқат, шундай. Бугун Ўзбекистон ва Италия муносабатларини янада ривожлантиришга бўлган хайрихоҳлик ҳар икки томонда ҳам қучли. Нега? Чунки бизнинг саноатимиз замонавий асбоб-ускуналарга, янги технологияларга эҳтиёж сезмоқда. Қолаверса, Европа мамлакатлари, хусусан, Италиянинг бозор



сига келган раҳбар бу ишончини мустақамлашга интилади.

00.40 Р. Литвинованинг «Мен учун ўлим йўқ» ҳужжатли фильми.
01.35 Сўнги сеанс. Ж. Габен «Мессе фермасининг сирини» детективда (Франция).
03.00 Москвада юксак модалар ҳафталиги

кундалиги.

ТВ-6

8.00, 9.00, 15.00 — «Кундан-кунга».
8.45, 20.40, 00.55, 04.00 — «Йўл назорати».
11.00, 17.00, 00.35 — Янгилıklar.
11.10 ТВ-6 кинотеатри. «Малколм». Комедия.
12.55 «Биринчи тўлқин». Сериал.
13.45, 17.15, 18.40 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўхони.
14.00 «Менинг киноим» Виктор Мерехко билан.
14.30 «Саволга ўрин йўқ».
16.30 «Петерс поп-шоу».
17.30 «Тропиканка». Сериал.
18.30 «Дам оламиз».
18.55, 02.55 — «Диск-канал».
20.05 «Амба-ТВ». Ҳажвий шоу.
20.50 «XX асрнинг энг шов-шувли жинотлари». Сериал.
22.00 Шу куннинг янгилıklar.
22.30 Премьера. ТВ-6 кинотеатри. Дольф Лундгрэн «Хатарли ҳужум» жангари фильмида.
01.05 ТВ-6 кинотеатри. «Яшаш учун кураш». Жангари фильм.

НТВ

7.00, 8.00 — «Бугун эртаб».
8.55 «Чироклари синган кўчалар-II». Сериал.
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00, 24.00 — «Бугун».
10.20 «Тез ёрдам». Сериал.
11.10 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». Сериал.
12.20 И. Калинин ва С. Морозов «Шахсий хавфсизлигига қафолат беролмайман...» саргузашт фильмида.
14.25 «Табикатшунос саёҳатлари».
14.55 «Сезам кўчаси».
15.15 «Ўсимлик дунёси».
16.30 «Шу куннинг қаҳрамони галстуксиз».
17.00 «Эски телевизор».
18.30 «Нафи тегади».
18.50 «Криминал».
19.05 «Эхтирос». Сериал.
19.55 «Мўмай пуллар».
21.05 «Омадли». Телеуйин.
21.35 «Халқ овози». С. Сорокина дастури.
23.05 Оксана Пушкинанинг «Аёл нигоҳи».
23.40 «Чирокчи ўчиринг».
00.45 НТВда премьера. Тун жилоси. Дайан Китон, Р. Гир ва Т. Беренкер «Яхши йигитни топ» фильмида (АҚШ).

ШАНБА, 25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Ер ва диёр тароналари».
9.05 «Хидоят сари».
9.30, 12.00 ТВ-метео
9.40 «Телевизион миниаторалар театри».

10.15 «Умид» ахбороти.
10.30 «Учрашув».
10.55 «Бахтимизга омон бўлинг».

11.15 «Сехрланган бола». Мультифильм.
12.10 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
12.45 «Сизга ўшагим келади». Мусиқий дастур.
13.10 «Илонлар водийсининг касофати». Бадий фильм.
14.45 «Дўстлик» видеоканал: 1. Меҳрангез. 2. Жетиген.
15.05 «Ажабсанда».
15.15 «Севги сурури». Концерт.
15.40 Футбол. XX асрнинг сўнги жаҳон чемпионати. Англия-Колумбия.
17.20 Болалар учун. «Фламинго».
17.45 «Ёзувчи ва замон».
18.05 ТВ-анонс.
18.15 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
18.30 «Шарқнинг машҳур аёллари».
18.50 «Истеъдод». 3. Расулов.
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.25 Ёшонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгилıklar» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навийхонлик».
21.20 «Соғлом авлод - бу бизнинг келажакимиз».
21.50 «Аския кечаси».
22.30 «Ахборот».

Тўнги ёғду:
23.05 «Эмма». Бадий фильм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри», «Келинг, танишайлик», «Мультиомоша».
9.35 «Табобат оламида».
9.55, 10.25 «Мусиқий лаҳзалар».
10.05 «Ёшлар овози».
10.35 «Ракурс».
10.55 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
11.55 «Ҳандалак». Ҳажвий тележурнал.
12.15 «Аёл қалби наволари».
12.30 «Чолиқуши». Телесериал. 5-қисм.
13.10 Ўзбекининг эъозли аёллари: Мукаррама

Турғунбоева.
13.30 «Хуқуқ ва бурн». Конституция ва ёшлар.
13.50 «Кутилмаган меҳмон».
14.10 «Ўзбекистон қанотлари».
14.25 «Бола тилида».
14.55 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
15.55 «Эркин фикр».
16.15 «Ўзбекфильм» тўйига: «Тилсимой-гаройиб кизалоқ». Болалар учун бадий фильм.

17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
17.45 Болалар учун. «У ким? Бу нима?»
18.05 «Футбол плос...»
18.25 «ТВ-саёҳат».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Бизнес-академия».
19.50 «Хоразм наволари».
20.10 «Хайрат».
20.30, 21.20, 22.30 Ёшонлар
20.35 «Чолиқуши». Телесериал. 6-қисм.
21.25 «Сир».
21.45 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Каталог».
22.40 Тўнги тароналар ва Эколаш.
22.50 «Кўнгли кўнгила пайванд».
23.20 Шанба экран: «Мудҳиб хато». Бадий фильм.
0.50-0.55 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

9.00 «Тонгги пойтахт».
9.50 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
10.30 2000 йил - Соғлом авлод йили. «Спорт-тайм».
10.50 «Экспресс» телегазетаси.
11.00 «Сайёрамиз бўйлаб». 52-қисм.
11.25 «Дўстлик» видеоканал. «Чинсен», «Немис шарҳи».
12.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
12.55-13.45 «Жаҳон географияси».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультифильм.
18.15 «Дурдона».
18.30 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ (рус тилида).
18.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.05, 20.25 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.
21.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
21.50 «Омад» тележурнали.
22.10 «Эҳтиром ила».
22.30 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
23.10 Оҳанглар ва ёшонлар.
23.15 Кинонигоҳ, «Жаноб Магу».
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «СНН-шоу».
9.20 «Инглиз тили Сиз учун».
9.45 «Кино сайёраси».
10.00 «Дурдаршан».

10.20 «Экран зийнати ва қиймати».
10.45 «Арманистон ҳақида эпюдлар».
11.00 «Польша назар».
11.15 «6х9» шоу программаси.
12.00 Кинематограф. «Ўз ҳисобидан тазтил». Бадий фильм. 1-2-сериялар.
14.05-14.35 «Немис тили».

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.20 «Нафақат спорт ҳақида».
17.40 «7дан 70 гача».

18.15 Т. Никулина «Аёллар билан содир бўлган воқеалар» дастурида.
18.45 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.10 Машҳур изқувар Лейтенант Коломбо.
21.00 «Время».

21.40 «Бизнес-ревью».
21.50 СФИ тақдим этади: Концерт С. Адамо.
22.50 «Эксклюзив».
23.10 «Мюзик-холл».
23.35 Кинематограф. «Сирлар яширилган гўша». Бадий фильм.
1.00 «Ахборот» (рус тилида).
1.25 «Тунингиз осуда бўлсин».

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 «Телехамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 Болалар канали.
10.00 «Қалдиқроқ тошлар». Ёшлар учун сериал.
10.30 «Дўст топсанг - хазина топсанг». Саргузаштлар (Италия).
12.00 «Телехамкор». Фойдали газета.

18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 «Телехамкор». Фойдали газета.
18.35 «Жанговар санъат олами». Спорт дастури.
19.00 Детектив соати.
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.55 «Телехамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
20.25 «Клип-совға». Телетабринома.
21.20 «Жезанн» гўзаллик салони намоиш этади.
21.25 Метеохабар.
21.30 Ҳафта фильми. «Карен Махкой - аной эмас». Саргузаштлар (АҚШ). Ролларда: Ким Бесингер, Вел Килмер.
23.15 Спорт дастури.
24.00 «Яширин камера билан». Ҳажвий сериал.
00.30 Кўрсатувлар дастури.

РЖТ

7.55, 10.00, 15.00, 18.00 — Янгилıklar.
8.15 «100%» дастури.
8.40 «Альф». Оилавий комедия.
9.15 «Хайвонот оламида».
10.10 «Смак».

10.30 Евгений Петросянин «Кулги панорама».
11.10 Кундузги киносеанс. «Моррисвилл қасрининг шарпаси». Комедия.
12.50 «Еттинчи туйғу».
13.30 «Янгра, гармонь!».
14.05 «Сихат-саломатлик».
14.45 «Бир нодир асар тарихи». Рус музейи.
15.10 «Баффи». Саргузашт комедия.
16.05 «КОАП».
16.30 «Дисней-клуб».
17.00 Жонли табиат. «Тимсоҳлар ҳақида ҳақиқат».
18.15 Т. Никулина «Хотин-қизлар билан содир бўлган воқеалар» дастурида.
18.45 «Аралаш-қуралаш» журналидаги кўнрок воқеалар.
19.10 Буюк изқуварлар. Лейтенант Коломбо «Даҳо ва ёвузлик» детективда.
21.00 «Время».
21.40 П. Кадочников «Меҳр» излаб... саргузашт фильмида.
23.00 М. Пфајфер ва В. Райдер М. Скорсезининг «Айбсизлик асри» фильмида.

РДТ

7.30 «Балиқ ови ҳақида мулоқотлар».
8.00 «Синдод. Қора рицарлар билан жанг». Фильм-эртак (АҚШ).
9.30 Болалар учун кўрсатув.
10.00 «Хайрли тонг, юртим!».
10.45 «Ўзга бир». Телеуйин.
11.35 «Ўз-ўзига режиссёр».
12.05 «Дўстлар-II». Комик сериал.
12.35 «Олтин калит».
12.55 «Комиссар Рекс». Сериал.
14.00, 20.00 — «Вести».
14.20 Кундузги сеанс. Н. Гундарева, А. Михайлов, Ф. Мкртчян «Елгиз кишилар ётоқхона билан таъминландилар» комедиясида.
16.00 «Халқаро панорама» Александр Гурнов билан.
17.00 «Матбуот клуби».
18.00 Менинг оилам. «Жанжал никоҳни мустаҳкамлайди».
19.00 Бугун Россия - ТВ Бинго шоу» лотореяси.
20.20 «Шаҳарча».
21.00 Михаил Жванецкий. «Оддий нарса».
21.15 К. Лавров, С. Немолова ва Е. Драпеко Юрий Маминининг «Горько» комедиясида.
23.30 Р. Патрик ва Бо Холкин «Оқшомдан тонггача - II» ўткир сюжетли фильмида (АҚШ).
01.10 Е. ва Л. Германовлар, А. Панкратов-Черный С. Ливаненин «Кикс» фильмида.
02.55 Москвада юксак модалар ҳафталиги кундалиги.

ТВ-6

8.45 ТВ-6 кинотеатри. «Тугатувчилар». Фантастик жангари фильм.

10.25, 20.40, 02.45 — «Йўл назорати».
10.40 Сизбон мусиқа: Вика Циганова.
11.35 «Диск-канал».
12.05 «Муваффақият гарови».
12.40 «Муҳаббат ҳақида».
13.15 «Душанба кун театри».
13.50 «Мазаси озингда қолади» кўрсатуви.
14.25 «Саволга ўрин йўқ».
15.00 Янгилıklar.
15.15 «Биз севган жониворлар». Ҳажвий дастур.
15.50 Мультифильм.
16.15 «Харидингиз учун ташаккур!» теледўхони.
16.25 «Ўз ўйини».
16.55 «СВ-шоу». Николай Носков.
17.50 «Мен ўзим» ток-шоуи.
18.50 «Менинг киноим» Виктор Мерехко билан.
21.00 «Ҳафта можаролари».
22.00 Шу куннинг янгилıklar.
22.15 Премьера. ТВ-6 кинотеатри. «Гумон қилинаётган охириги киши». Триллер.
00.15 ТВ-6 кинотеатри. Чарли Шин, Шериллин Фенн «Қасос рўҳи» жангари фильмида.
02.10 «Тармок». Интернет-дастури.
03.00 ТВ-6 кинотеатри. «Гулдек очилган даври». Эротик фильм.

НТВ

8.00 «Лидолик қизлар». Сериал.
9.00, 19.00 — «Омадли». Телеуйин.
9.45 Мультифильм.
10.00, 12.00, 18.00, 21.00, 24.00 — «Бугун».
10.20 «Криминал. Чин дилдан иқдор бўлиш».
10.50 Оксана Пушкинанинг «Аёл нигоҳи».
11.25 «Эҳтиёт бўл!» Оилавий ўйин.
12.20 «Мўмай пуллар».
12.50 «Қизик кино».
13.20 Л. Зайцева, О. Ефремов, М. Кононов ва Н. Гундарева «Келди-ю кетди» комедиясида.
15.05 «Мен ва итим» доғ-шоуи.
15.35 «У қотилликни баён этди. Сериал».
16.40 «Бизнинг бандароҳа ҳам кемалар қиради» Э. Успенский дастури.
17.40 «Асримиз гувоҳи». В. Кара-Мурза дастури.
18.30 «Бир кун». К. Набутов дастури.
19.50 «Миллий хавфсизлик агенти». Сериал.
21.35 Ҳафталик матбуот психологизми.
21.55 Барча юдузлар Агата Кристининг «Тошойна дарз кетди» детективда.
00.45 «Тубан кетган фаришталар». Сериал.
01.25 «Антропология».

ЯКШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 «Камалак». Болалар учун кино-дастур.
9.05 «Янграш шўх яллалар». Концерт.
9.30 «Ғаройибот».

«Умид» намоиш этиди:
9.45 «Умид» ахбороти.
10.00 «Ватанимга хизмат қилман».

11.00, 12.05 ТВ-метео
11.05 2000 йил - Соғлом авлод йили. «Оналар мактаби».
11.25 «Шоҳрух» клуби.
11.45 «Ҳамшаҳарлар».
12.10 «Африка филлари». Хужжатли фильм.
13.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
13.20 «Тухфа». Мусиқий дастур.
13.50 «Есенин». Бадий фильм. 1-қисм.
15.00 «Қалб гаҳари».
15.20 «Есенин». Бадий фильм. 2-қисм.
16.20 «Спорт уик-энд».
16.40 «Ўлмас мерос». Р. Ҳамроев.
17.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.00 «Ҳаёт қарвони».
18.20 «Янгра, созим - овозим». Мусиқий дастур.
18.35 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.55 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ўзлонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Яқшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
21.45 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
22.45 ТВ-анонс.
23.00 «Олам футбол».
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
23.25 Кино янгиликлари.
23.40 «Икки соҳил - икки тақдир». Бадий фильм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

«Ешлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ ка-

булар», «Мульттомоша».
9.30 «Мусиқий лаҳзалар».
9.40 «Футбол плюс».
10.00 Болалар экрани. «Айқича ва аждарҳо».
11.10 «Ешлар овози».
11.30 «Ешлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марду-майдон», 2. «Аскар мактублари», 3. «Аскар хангомалари».
12.20 «Чолиқуши». Телесериал. 6-қисм.
13.05 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
13.25 «Қишлоқдаги тенгдошим».
13.45 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал 3-қисм.
14.15 «Буюк юрт фарзандиман».
«Олимпиада-2000» чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев.
14.45 «Тафаккур ёлқинлари».
15.00 «Куз афсонаси». Бадий фильм.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» почтаси, «Ким энчил-у, ким чаққон», «Мульттомоша».
17.45 «Ғап йўқ» намоиш этиди: «Қармоққа илинган саёҳат».
18.40 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр»-news.
19.15 «Очун».
19.40 «Яқшанбада кўришгунча».
19.55 «О, ёшлигим».
20.15, 21.05, 22.40 Ўзлонлар
20.20 «Чолиқуши». Телесериал. 7-қисм.
21.10 «Синфдош».
21.35 «Сурур». Мусиқий дастур.
22.00 «Давр» ҳафта ичидида.
22.40 Тўнги тароналар.
22.50 «Ешлар» телеканалда премьерера. «Қора тулки». Бадий фильм.
0.20-0.25 «Хайрли тун!».

«Тошкент» телеканал

9.00 «Тонги пойтахт».
9.50 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
10.30 2000-йил - Соғлом авлод йили. «Спорт оламида».
10.50 «ТВ плюс».
11.15 «Экспресс» телегазетаси.
11.25 «Туризм ҳақида».
11.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.15 «Сайёрамиз буйлаб». 53-қисм.
12.40-13.30 «Жаҳон географияси».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.

18.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
18.30 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.
18.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.05, 20.25 «Табриқлаймиз, кўтлаймиз».
20.00 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.
21.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
21.50 «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.10 «Омад» тележурнали.
22.30 «Эхтиром ила».
22.50 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
23.30 Оҳанглр ва зълонлар.
23.45 Киноингоҳ, «Бадди».
1.10-1.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Тонг» дастури.
10.05 «Эртақларнинг сеҳри олами».
10.45 «Парле ву франсе?»
12.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.20 «Болалар олами».
12.40 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили).
12.50 «Клип-антракт».
13.00 Кинематограф. «Джинджир ва Фрэд». Бадий фильм.
15.00-16.05 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар», «Машрик оҳанглари».

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 СҒИ тақдим этиди «Байрамлар юрти».
17.30 «Интернет худуди».
17.45 «Тенгдошлар».

18.10 «ДДТ 20 йил». Юбилей концерти.
19.55 Жон Траволта ва Николос Кейж «Киёфасиз» жангари фильмида.

22.30 «Буржлар башорати».
23.15 Кинематограф. Коломбо: «Қотиллик, туман ва шарпалар». Бадий фильм.
1.45 «Тахлилнома» (рус тилида).
2.15 «Тўнги оғуш осуда бўлсин».

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 «Телеҳамкор». Фойдали га-

зета. Метеохабар.
9.30 Болалар канали.
10.00 «Қалдириқ тошлар». Ешлар учун сериал.
10.30 Болалар учун фильм. «Уч бақалоқ».
12.00 «Телеҳамкор». Фойдали га-зета.
12.30 Оилавий кино. «Уч эркак ва кичкинтой». Комедия (АҚШ).
14.15 «Шоҳид». Хужжатли фильм.
14.45 «Сиквест». Фантастик сериал.
15.30 Ҳинд киноси. «Дарз кетди». Мелодрама (Ҳиндистон).
18.05 «Телеҳамкор». Фойдали га-зета.
18.30 «Ўзингни кўрсат». Дам олиш дастури.
19.00 Детектив соати.
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.55 «Телеҳамкор». Фойдали га-зета.
20.25 «Клип-совга». Телетабриқнома.
21.20 «Жозанн» гўзаллик салони намоиш этиди.
21.25 Метеохабар.
21.30 «30-канал» да яқшанба киношоми. «Теннеси водийси». Мелодрама (АҚШ).
23.15 «Европа футбол»и. Спорт дастури.
24.00 «Кино, кино, кино».

РЖТ

7.45 «Рухоний сўзи». Митрополит Кирилл.
8.00, 10.00, 15.00, 18.00 — Янгиликлар.
8.10 «Армия дўкони».
8.40, 16.30 — «Дисней-клуб».
9.05 «Тонг юлдузи».
10.10 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Хамма уйдалигида».
11.10 «КВН-2000».
13.20 «Саёҳатчилар клуби».
14.05 «Эх, Семеновна!». Бутунроссия лапарлар танлови.
14.45 «Бир нодир асар тарихи». Кремль хазинаси.
15.10 «Баффи». Саргузашт комедия.
17.00 «Утганларни кўмсаб». Петр Шчербаков. Кўрсатуни Г. Скорородов олиб боради.

17.40 «Фақат хитойликлар учун». Махсус репортаж.
18.10 «ДДТ 20 йил». «Олимпийский» да юбилей концерти.
19.55 Д. Траволта ва Н. Кейж «Киёфасиз» супер жангари фильмида.
22.30 «Фаслар». В. Познер дастури.
23.45 Кино чизиги. К. Бесингер ва Р. Редфорд «Самородок» фильмида.

РДТ

7.30 Мультфильмлар.
8.20 «Отам, онам, мен - спортчилар оиласи».
9.05 «РДТ почтаси».
9.35 «Хайрли тонг, юртим».
10.15 «Аншлаг» ва Ко.
11.15 «Шаҳарча».
11.45 «Рус лотоси».
12.25 «Федерация».
13.05 «Парламент соати».
14.00 «Вести».
14.20 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар».
15.25 «Ер сайёраси».
16.20 «Икки рояль».
17.20 «Ўз-ўзига режиссёр».
17.50 Москвада юксак модалар ҳафталиги кундалиги.
18.05 «Турк марши». Сериал.
20.00 Премьера. Н. Сванидзе. «Кўзгу».
21.20 Л. Удовиченко ва С. Садальский «Худо берган киши» комедиясида.
23.10 Москвада юксак модалар ҳафталигининг тантанали ёпилиши. Давлат Марказий концерт залдан олиб кўрсатилади.
01.30 Бокс бўйича Россия чемпионати. Финал жанглари.

ТВ-6

8.45 ТВ-6 кинотеатри. «Қасос руҳи».
10.25, 15.20, 20.30 - «Йўл назорати».
10.45 «Star старт».
11.10 «Фасон».
11.45 «Бенни Хилл шоуси».
12.45 «Тармоқ» интернет-дастури.
13.30 «Мен ҳаммасидан хабардор». Интеллектуал шоу.
14.30 «Хамма боққа!».
14.55 «Канон».

15.40 «XX асрнинг энг шов-шувли жиноятлари». Сериал.
16.40 «Амба-ТВ». Ҳажвий шоу.
17.10 «Саломатлик формуласи». Теледўкони.
17.20 «Сиз - шохидсиз» И. Усачев билан.
18.20 «Яна 33 квадрат метр». Ҳажвий сериал.
19.35 «Ҳафта ҳалокатлари».
20.40 Сизбоп мусика: Лолита.
21.40 ТВ-6 кинотеатри. Е. Миронов, Н. Усатова, А. Балувев «Му-сулмон киши» фильмида.
23.50 ТВ-6 кинотеатри. Гэри Бьюзи «Тиг устиди» триллериди.
01.40 «Х-фактор».
02.15 «Маълумотлар туни». 2-қисм.
03.20 ТВ-6 кинотеатри. «Таққиланган орзулар-2». Эротик фильм.

НТВ

8.00, 19.40 — «Миллий хавфсизлик агентлиги». Сериал.
9.00 «Омадли». Телеўйин.
9.45 Мультфильм.
10.00, 12.00, 18.00 — «Бугун».
10.15 НТВ да премьерера. Нэнси Трэвис ва Мэтью Модайн «Омадли» лақабли ит» фильмида (АҚШ).
12.20 «Қутқарув хизмати».
12.50 «Уни Никита деб атардилар». Сериал.
13.50 «Кекса ота-оналар».
14.20 «Табиатиноқ саёҳатлари».
14.50 «У қотилликни баён этди». Сериал.
15.50 «Криминал Россия». Хужжатли сериал.
16.30 «Учинчи тайм». С. Шустер дастури.
17.30 «Рубль зонаси». Ю. Латинина дастури.
18.25 «Мустақил текширув» Н. Николаев билан.
19.10 «Дориномасиз».
21.00 «Яқунлар».
22.35 «Кўгирчоқлар».
22.50 «Тубан кетган фаришталар». Сериал.
23.30 «Яқунлар» В. Шендерович билан.
23.50 Кино олами. Жан-Поль Бельмондо ва Клаудиа Кардинале «Касофат» криминал фильмида (Франция — Италия).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2000 йил 6 ноябрдан 11 ноябргача бўлган маълумот)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Акциядорлик жамиятининг акциядорлари реестри тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган.

2000 йил 10 ноябрда 274-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 20 ноябрдан кучга киради).

2. Тайёрланган қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиши тартибига 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган.

2000 йил 10 ноябрда 320-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 20 ноябрдан кучга киради).

3. Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган.

2000 йил 10 ноябрда 326-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 20 ноябрдан кучга киради).

4. Қимматли қоғозлар бўйича ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган.

2000 йил 10 ноябрда 710-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 20 ноябрдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:

1. Геология-қидирув ишларини босқичма-босқич олиб бориш бўйича услубиёт кўрсатмалари (қаттиқ фойдали қазилмалар). ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.

2000 йил 9 ноябрда чиқарилди (1999 йил 07 октябрда 828-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Мазкур меъёрий ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан техник ҳужжат деб топилди ва давлат реестридан чиқарилди. Бу ҳолда ушбу меъёрий ҳуж-

жатнинг амал қилиши тўхтатилмади.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилди рад этилди:

1. Акциз маркалари билан маркаланмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни олиб қўйиш, мусодара қилиш ва сотиш тартиби тўғрисида йўриқнома. ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги тизими ходимларининг ижтимоий ривожлантириш, моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

3. Электр тармоқларига уланган истеъмол станцияларини диспетчерлик бошқаруши тўғрисида низом. ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тақдим этилган.

4. Истеъмолчилар чекловлари ва узиб қўйиш жадвалини киритиш, қувват ва электр энергияси танқислигида истеъмолчилар томонидан электр таъминотининг белгиланган тартиби ва электр кучи чекловлари жадвалларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби. ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тақдим этилган.

5. Ёлғиз пенсионерларга, кексаларга ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ишсиз фуқароларни жалб қилиш тўғрисида вақтинчалик низом. ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.

6. «Матлуботсавдо» тизимига қирувчи акциядорлик жамиятлари акцияларини сотишдан тушган маблағларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш мақсадлари тартиби тўғрисида Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг тушунтириши. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермади. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг ҳулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

IV. Хуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. Дарё транспортини техник ишлатиш қоидалари.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.

2. «Ўзозиковқаттаъминот» Давлат акциядорлик корпорациясидан импорт бўйича сотиб олинadиган ижтимоий аҳамиятга молик озик-овқат товарларига чекланган чакана нархларни белгилаш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

3. Техник-иқтисодий асослар, қурилиш лойиҳалари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар (Адлия вазирлиги ҳулосаси асосида қайта ишланган). ЎзР «Давархитектқурилиш» томонидан тақдим этилган.

4. Тоғ ишларини ривожлантириш режаларини, рудадан қимматбаҳо метталлар параметрларини олиш ва Ўзбекистон Республикаси олтин қазиб олиш корхоналарининг тугалланмаган ишлаб чиқариш меъёрларини келиши тартиби тўғрисида низом. ЎзР Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.

5. Хатлов вақтида аниқланган камомад ва ортиқчаларнинг бухгалтерлик ҳисоби ҳамда уларга солиқ солиш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

6. Якка тадбиркорлар — дон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ун ажратиш тартиби тўғрисида низом (Адлия вазирлиги ҳулосаси асосида қайта ишланган). «Ўздонмаҳсулот» Давлат акциядорлик корпорацияси томонидан тақдим этилган.

Кучини йўқотган деб эътироф этилган меъёрий ҳужжатлар:

1. Биржа савдоси орқали сотилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш тартиби тўғрисида йўлланма хат. «Ўзгеодезкадастр» томонидан тасдиқланган.

2. Корхона-ташкilotларни рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби. Статистика давлат департаменти томонидан тасдиқланган.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳужжат сифатида ижродан қақриб олинди ва кучини йўқотган деб эътироф этилди.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.

Саволлар ва тақлифлар учун телефон рақамлари: 133-38-67, 132-00-28.

Абулқосим Бобур илму ижод аҳлининг суҳбатини яхши кўрар, давлат ишларидан вақт ажратиб, мадрасаларга борар, Абдурахмон Жомий ва Лутфий ҳузурда бўладиган мушоираларда иштирок этарди. Эл-юрт уни «дарвештабиат шоҳ» деб эъзозларди.

Аммо жангу жадалга мойил амирлари унинг дарвешона ишларини ёқтиришмас, махсус зиёфатлар беришиб, уни кўпроқ май базмларига тортишга интилишарди. Хос ҳақимлар унинг жигар хасталиги борлигини Гавҳаршод бегимга эслатиб туришарди. Невараси кўп май ичган кунларда кўзининг оқи саргайиброқ қолишини Гавҳаршод бегим ҳам сезган эди. Шунинг учун саройга борганда ҳам, Абулқосим Бобур момосини кўриш учун Боғи Сафедга келганда ҳам ундан доим май ичмасликни илтимос қиларди.

— Парвардигор отангининг умрини ҳам сизга кўшиб берган бўлсин! — дерди. — Лекин отан-

халлуси билан ёзган шеърларидан ўқиб берди. Туркийси яхши. Аммо ҳамма шеърлари бир вазнда. «Нечун бошқа вазнларда ёзмайсиз?» десам, «Шу вазни яхши кўрамен» дейди. «Бошқа вазндаги шеърларни қилич билан ёзгаймен» дейди.

Гавҳаршод бегим сўнгги гапдан завқ қилиб гапирди.

— Ҳазратим, сизнинг қанотингиз остида аҳли қалам билан аҳли сайф инок бўлиб яшамокда. Мен бунини мана шу икки ёш истеъдод мисолида кўриб қувонамен. Аҳли сайф мамлакатнинг хавфсизлигини таъмин этса, аҳли қалам эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилур. Ана шунда эл-юрт сизни адолатли шоҳ деб бошига кўтаргай. Бу улуг мақсадга етмоқ учун майпараст беклардан ўзингизни эҳтиёт қилинг. Сизнинг саломатлигингиз мана шу истиқболли ёшлар учун ҳам жуда керак!

Абулқосим Бобур Ҳиротда Боғи Зоғонда турган пайтда Гав-

сабали Жаҳоншоҳ қорақўюли Машҳадга ҳужум қилишга журъат этмади ва Табризга қайтиб кетди.

Шунинг хурсандчилигига Машҳадда тонготар май базмлари бошланди. Бу базмларга Абулқосим Бобурнинг энг нуфузли вазири амир Шерҳожидан бошчилик қиларди.

Машҳадда бодом ва ўриклар гулга кирган баҳор кунларининг бирида Амир Шерҳожидан бошчилик қиларди. Шохона дастурхонга каклик ва кийик гўшларидан тайёрланган, зира ҳиди келиб турган қабоблар тортилди. Хумда ўн-ўн беш йилдан буён куч йиғиб ётган ўткир майноблар олтин қадаҳларга тўлдирилди.

Подшоҳ ўлтирган шохнишин қаршисида туркман гиламлари тўшалган очиқ саҳнда юзини ҳарир парда билан бекитган хигнабел канизаклар рақс тушмоқда. Орқароқда ўлтирган созандалар шўх куйлар чалмоқда.


қанчалик асосли эканини текшириб, ҳақиқат қиладиган одам бўлмади.

Ҳамманинг хаёли «Энди тожу тахтни ким эгаллайди?» деган савол билан банд. Бу саволга дафн маросимидан кейин аниқ жавоб топиш мумкин эди. Ҳамманинг кўзи Гавҳаршод бегимда. Ҳал қилувчи сўзни шу кайвонидан кутаётганлар кўпчилик эди.

Абулқосим Бобур жасадини Машҳаддан Ҳиротга олиб келиб, Гавҳаршод бегим мадрасаси ёнидаги Бойсункур мирзо қабри ёнига дафн этдилар.

Азадорлар маросимини Гавҳаршод бегим бошқарди. Марҳумнинг норасида ўғли Шох Маҳмуд момоси ёнида айвонда бел боғлаб, кўз ёш тўкиб турарди.

Таъзияга келувчиларнинг кети узилмас, уларни Амир Шерҳожидан бошлиқ мулозимлар кўтиб олишар ва тиловатдан сўнг кузатиб қўйишар эди.



Шеъринг истеъдоди жуда эрта уйғонган Алишер Навоий ўн беш ёшида Ҳирот тождори Абулқосим Бобурнинг хурмат-эътиборига сазовор бўлган ва саройга ишга олинган эди. Подшоҳ унинг фаҳм-фаросати, билими ва ақлу зийраклигини баъзи катта ёшли беку мулозимларниқидан баланд кўяр, келишган қадду қомади ва одоб-ахлоқини ҳам ёқтирар, «Фарзанд» деб ўзига жуда яқин оларди. Илму санъатга оид энг нозик ишларни Алишербекка ишониб топширарди.

Мақтабдош дўсти Хусайн Бойқарони подшоҳ қабулига олиб кириш ҳам Алишербекнинг зиммасига тушди. У подшонинг дево-ни хосига таъзим билан кирди-да, арз қилди:

— Ҳазратим, Хусайн Бойқаро... Сиздан берухсат Самарқандда қолгани учун авфу сўрамоқчи бўлиб келди. Қабулхонада иноятингизга мунтазир.

— Бебошроқ йигитга ўхшайди Хусайнбек...

— Аммо фақир уни болалик пайтимиздан билурмен. Сизга эътиқоди баланд. Самарқандда қолганининг сабаби ҳам — Абу-саидга хизмат қилиш эмас экан. Сиз кўзлаган мақсадни амалга оширмакчи экан. Абдулла мирзо учун қасд олмакчи экан!

— Биз қўшин тортиб бориб етолмаган мақсадга унинг бир ўзи етмоқчи эмишимиз?.. Жуда катта кетибдилар-ку.

— Ёшлик гўрлиги туфайли шундай бўлибдир. Бир марта авф этинг, ҳазратим. Минбаъд сиздан берухсат бундай ишларни қилмагай. Фақир кафил бўлурмен!

— Ҳазрат момом ҳам айтган эдилар. Майли, кирсин. Ўзим бир яккама-якка сўзлашиб кўрай-чи.

Алишербек қабулхонага чиқиб, Хусайн Бойқарони подшонинг ҳузурига киргизиб юборди. Ярим соатлар ўтгандан кейин Хусайн Бойқаро кизариб, терлаб чиқди. Аммо кўзлари қувноқ чакнаб, Алишербекка кулимсираб қаради:

— Роса адабимни бердилар. Лекин охирида сарой хизматига қабул қилдилар!

— Муборак бўлсин!

Умидли дунё

Пиримқул ҚОДИРОВ

(«Она лочин видоси» тарихий романининг янги бобларидан парча)

Романда Улуғбек Мирзонинг онаси Гавҳаршод бегимнинг баркамол авлод тарбиясига оид хайрли ишлари, жаҳолатга қарши кураши ва фожеавий тақдири тасвирланади.

Бу маърифатли онанинг меҳрига сазовор бўлган истеъдодли ёшлар орасида ўсмир пайтда Абулқосим Бобур саройида хизмат қилган Алишер Навоий алоҳида ўрин эгаллайди. Куйида романининг ана шу мавзуга бағишланган бобларидан парча берилмоқда.

гиз Бойсункур мирзо ўттиз уч ёшида майнинг касофати билан оламдан ўтгани мени ҳанузгача ларзага солади.

— Шукур, мен ўттиз бешга кирдим-ку, момо!

— Э, ҳали сиз ёш йигитсиз. Менга ўхшаб етмиш тўққизга кининг! Ундан ҳам ортиқ умр кўринг. Бекларнинг май базмига таклиф қилавермасинлар. Илму ижод аҳли сизни яхши кўради. Ушаларнинг даврасида кўпроқ бўлинг.

— Айтмоқчи, мадрасангизда бир мушоира бўлибдир. Боролмаганимга афсус қилдим. Маликул калом Лутфий Алишербек ҳақида ажойиб сўзлар айтган эмиш. Сиз бормидингиз, ҳазрат момо?

— Бор эдим. Мушоирада Алишербек шундай ажойиб шеърлар ўқидики, маликул калом Лутфий уларнинг бир байтини ўзининг ўн икки минг мисра шеърдан аъло деб улуглади.

— Аммо туркий тилда Лутфийга тенг келадиган шоир ҳали дунёга келган эмас эди. Энди шундай хассос шоир ўн беш ёшли Алишербекни ўзидан баланд кўйган бўлса, бу жуда катта тантилик ҳам башорат бўлибдир!

— Мен ҳам раҳматлик Улуғбекда кўрган даҳо даражасидаги истеъдод нишонларини Алишербекда кўрмоқдамен. Илоҳим ёмон кўздан худо уни асрасин! Сизнинг даргоҳингиздан шундай улуг бир шоир етишиб чиқса номингиз тарих зарваракларига битилгай, шоҳ ўғлим! Унинг дўсти Хусайн Байқаро дуруст хизмат қилмоқдами?

— Ҳа, баҳодир саркарда бўладиган кўринади. Сипоҳилар орасида нуфузи баланд. Яқинда минг кишилик қўшинга саркарда қилиб кўтармоқчимиз. Шеър ҳам машқ қилар экан. Хусайний та-

харшод бегим неварасини иложи борича май базмларидан эҳтиёт қилиб юрди. Чунки Абулқосим Бобур ёшлик пайтидан кайвони момосининг тарбиясини олиб ўсган ва унинг маслаҳатларига қўлоқ солиб ўрганган эди. Лекин милодий 1456 йилнинг кузида қорақўюли туркманларнинг саркардаси Жаҳоншоҳ Қазвин ва Исфохонларни эгаллаб, Машҳадга таҳдид сола бошлади.

Машҳад Хуросон таркибига кирар ва Ҳиротдан кейинги энг муҳим шаҳар ҳисобланарди. Машҳадда Гавҳаршод бегим номи билан аталадиган саккиз гўмбазлик улкан масжид-мадраса қурилган эди.

Амир Шерҳожидан бошлиқ беклар Жаҳоншоҳ тажовузининг олдини олиш учун подшоҳ саройини вақтинча Машҳадга кўчириш таклиф қилдилар. Гавҳаршод бегим бунга қарши эди. Лекин Амир Шерҳожидан бошқа нуфузли амирлар май базмларидан бирида Абулқосим Бобурни бу режага кўндирдилар.

Сарой аҳли қаторида Алишербек ва Хусайн Бойқаролар ҳам қишини Машҳадда ўтказдилар. Абулқосим Бобур ўзининг саройи ва қўшинлари билан гарбий чегаралар ҳимоясида турганлиги

Тун ярмидан ошганда Абулқосим Бобур қадаҳдаги ўткир майнобни яна бир марта сипқорди. Шунда тўсатдан нафаси қайтиб, боши айланиб кетди. Ёнида ўлтирган Шерҳожидан унинг ҳушдан кетиб, дастурхон устига юзтубан тушаётганини кўрди-ю:

— Ҳазратим, сизга не бўлди?! — деб уни тўтиб қолди ва ўнг ёнбошига ётқизди.

Дарҳол хос ҳакимни чақирдилар. Бироқ муолажа ёрдам бермади. Ҳамон беҳуш ётган подшони кўриқчи йигитлар кўтариб олиб чиқиб кетдилар.

Ичкилик базми азага айланди. Ўттиз олти ёшли Абулқосим Бобур жигар касалидан вафот этди-ми ёки у ичган майга билин-тирмай заҳар солганмидилар — шундан кейин бошланган алғов-далғовда бунини аниқлашнинг иложи бўлмади.

Амир Шерҳожидан дарҳол жиловни қўлга олди. У подшонинг ўн бир яшар ўғли — норасида Шох Маҳмудни тезроқ тахтга чиқариб, давлатни унинг номидан ўзи бошқариш ҳаракатига тушди.

Беку аъёнлар орасида «Шерҳожидан олдиндан мана шу мақсадни кўзлаб, подшога заҳар бермадимкин?» — деган тахминлар ҳам пайдо бўлди. Лекин бу тахминлар

Сарой аҳли орасида ўн олти ёшли Алишер Навоий ва ўн тўққиз ёшли Хусайн Бойқаро ҳам бор эдилар.

Таъзияга оппоқ соқолли мавлоно Лутфий билан ҳали соқол-мўйловига оқ тушмаган қирқ тўрт ёшли тарихчи олим Абдураззоқ Самарқандий бирга келдилар.

Йиғи-сиғидан беҳад толиққан Гавҳаршод бегим айвон ичкарисидаги хонага кириб ўлтирган эди. Алишербек Гавҳаршод бегимнинг руҳсати билан мавлоноларни ўша хонага бошлаб кирди.

Қадрдон мавлоноларни кўрганда Гавҳаршод бегим яна кўзига ёш олди.

Ноз-неъмат қўйилган хонтахта атрофида ўлтирганларидан саксон беш ёшли мавлоно Лутфий таъсирли овоз билан марҳумнинг арвоҳига бағишлаб тиловат қилди. Шундан сўнг Гавҳаршод бегимга таъзия билдириб, кўнгил сўрадилар.

— Бегим, худо сизга қувват берсин! — деди мавлоно Лутфий.

— Мусибатингизга биз ҳам шерикмиз, — деб гап қўшди Абдураззоқ Самарқандий.

— Ҳазрат бегим, яна тожу тахт талош бўлишидан хавотирдамиз. Подшоҳ хонадонининг сиздан улуг кайвониси йўқ. Шунинг учун барча маърифат аҳли умид кўзини сизга тикканлар.

— Ташақкур, мавлоно. Аммо мен ҳозир қаноти куйган қушнинг аҳволидамен. Охирги қанотим — Абулқосим Бобур эди. Худо уни ҳам бизга кўп кўрди.

— Аммо сиз маърифат аҳли учун оловдан тирик чиқадиган Қақнус кабисиз! — деди мавлоно Лутфий.

— Кўп оловларда ёниб тирик чиққаным рост, мавлоно. Аммо энди қариб қолдим. Ёшим саксонга борди.

— Шукур, ҳали бақувватсиз. Мавлоно Лутфий орада бўлаётган гапга қўлоқ солиб турган Алишербек билан Хусайн Бойқарони Гавҳаршод бегимга кўрсатди:

— Худо хоҳласа, мана бу янги авлод сизу бизга қанот бўлғусидир. Фақат буларни қонли можаролардан омон сақлай олсак бас.

— Менинг ҳам эндиги умидим мана шу йигитлардан.

— Ҳа, умидли дунё бу, бегим. Иншооллоҳ, оққан дарё яна оққусидир.


— Айтганингиз келсин, мавлоно.

Ҳақликни раҳмдил умматларимдан истанглар. Уларнинг атрофида кўнгилли ҳаёт кечирасизлар. Дунёда яхшилик қилувчи кишилар охирида яхшиликка эришувчилардир.

× Одамлар сенга нима қилишларини яхши кўрсанг, сен ҳам уларга ўшани қил. Нимани сенга қилишларини ёмон кўрсанг, сен ҳам уларга ўшани қилма!

× Мазлум (зулм кўрган киши)нинг дуои бадидан кўрқинглари, чунки унинг дуоси ижобатдир (қабулдир).

× Насабларингни (зотларингни) билинглари, қариндошларингга силаи раҳм қиласизлар. Чунки алоқаси узилган қариндошчиликнинг яқинлиги йўқ, агар яқин бўлса ҳам. Алоқа (борди-келди)си бор қариндошчиликнинг узоқлиги йўқ, агар узоқ бўлса ҳам.



М. САФАРОВ.

Халқимизнинг миллий озодлик курашлари тарихи ҳақида гап кетар экан, мўғуллар босқинчилигига қарши курашда алоҳида матонат намуналарини кўрсатган ва улкан ғалабага эришган сарбадорлар ҳаракати тўғрисида ҳикоя қилмаслик мумкин эмас.

Сарбадорлик ҳаракати, бу — оддий халқ оммасининг Ватан озодлиги учун кураш ҳаракатидир. Унинг иштирокчилари — халқ зиёлилари, хунармандлар ва оддий ҳарбийлар эди. Бу курашнинг раҳнамолари ҳам уларнинг ўз орасидан чиққан баҳодир шахслардир. Ватанимиздаги энг йирик сарбадорлик ҳаракати 1365 йилда Самарқанд шаҳрида юз берди ва катта муваффақият қозонди. Ҳайратланарли томони шундаки, Мовароуннаҳрда ҳаракатдаги ҳарбий кучлар мўғуллар устидан эриша олмаган ғалабага улар эришди ва мамлакатимизда мўғул босқинчилигининг пайи қирқилишида сарбадорлар алоҳида рол ўйнади. Улар туб халқнинг ўз мислсиз кучқудратига ишончини уйғотди ва агар бирлашилса, Туронзаминни босқинчилардан халос этиш мумкинлигини кўрсатди.

Самарқанддаги сарбадорлар ҳаракати қандай тарихий шариоитда юз берди? Улар кимлар? Эришган ғалабаларининг ижтимоий-тарихий сабаблари нимада? Энди шу тўғрида гаплашайлик.

«Сарбадор» сўзининг ўзи нимани аниқлатади? Бу, аслида, форсча сўз бўлиб, ўзбекчага ўғирадиغان бўлса, «сар» — бош, «дор» — бу «дор» дегани, «ба» — ўзбекча «га» кўшимчасини аниқлатади. Шундай қилиб, «сарбадор» — «бошимиз дорга», бошқачароқ айтганда, «бошини дорга тикканлар» деган маънони ифодалайди.

«Сарбадор» сўзининг форсча атама эканлиги ҳам бежизга эмас. Чунки сарбадорлар ҳаракати Шарқ тарихида, энг аввало, 1337 йилда Хуросонда мўғул фотиҳларига қарши кураш жараёнида пайдо бўлган ва кейинчалик Марказий Осиё ҳудудига ҳам кириб келган. Бу кўзғолон, юқорида айтганимиздай, мўғул истилочиларидан мамлакатни озод қилишга қаратилган.

Атоқли тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов ўзининг яқинда эълон қилинган «Амир Темур дарслари» номли рисоласида ёзади: «Кўзғолон Сабзорнинг Боштин қишлоғида 1337 йил

нинг 16 мартда бошланди. Унинг бошланиш тафсилотини машҳур таъкиранивис олим Давлатшоҳ Самарқандий (1436-1495) бундай баён қилган: мўғул тамғачилари (солиқ йиғувчилари) Боштинга келганларидан кейин бир неча кундан бери қишлоқда жабр-зулм ўтказмоқда эди: улар тинч аҳолидан шароб ва маҳбубалар келтиришни талаб қилдилар. Халқ кечаси уларнинг устига бостириб бориб, тамғачиларни ўлдирадилар. Сўнг илк сарҳариди дор тикиб, ҳаммалари салла ва тақияларини дорнинг устига қўйиб тошбўрон қилдилар ва ўзларини «сарбадорлар» (бошини дорга тикканлар) деб номладилар. Хуросон сарбадорларининг бошлиғи шайх Ҳасан Жўрий бўлган.

Сарбадорлар кўзғолонида асосан деҳқонлар, хунармандлар ва кичик ер эгалари қатнашган. 1337 йилда улар Сабзорни эгаллаб, уни сарбадорлар давлатининг пойтахтига айлантирдилар. Сарбадорлар Хуросонни 45 йил мустақил идора қилдилар» (39-40-бетлар).

Сарбадорлар кўзғолони деб аталган иккинчи кўзғолон 1365 йилнинг июн ойи охирида Мовароуннаҳрда, аниқроғи, Самарқандда бўлиб ўтади. Бу кўзғолон қандай тарихий вазиятда юз берди? Бунинг учун унгача Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган айрим воқеаларни эслайлик.

XIV аср ўрталарида Чигатой улусининг икки қисми феодаллари орасида зиддият пайдо

бўлди ва бу улуснинг икки давлатга бўлиниб кетишига олиб келди.

Мўғулистон

томондагилар Мовароуннаҳрдаги чигатойликларни «айниган мўғуллар» деб атаб, улар бошлиқ улкани қайтадан забт этишга аҳд қилдилар. Бу даврда Мўғулистонда Тўғлуқ Темурхон (1348-1363) билан улусбеги Пўлодчи ҳукмрон эдилар. Шундай қилиб, XIV асрнинг 60-йилларида мўғуллар Мовароуннаҳр устига қайтадан, бирин-кетин уч марта юриш қилди.

Мўғулларнинг учинчи хуружи 1365 йилнинг илк баҳорида рўй берди. Уни 1363 йилда вафот этган Тўғлуқ Темурхон ўрнида хон бўлган ўғли Илёсхўжахон уюштирди. 1365 йилнинг 20 май кuni ҳозирги Тошкент вилоятининг Чиноз тумани ҳудудида Илёсхўжахон бошлиқ мўғул қўшинлари би-

лан амир Ҳусайн ва Темурбек (ҳали у Амир Темур деб аталмасди) бошлиқ Мовароуннаҳр лашкари ўртасида, тарихга «лой жанги» номи билан кирган машҳур тўқнашув бўлиб ўтди.

Уша давр тарихчиси Ҳофиз Абу ўзининг «Зубдат ут-таво-рих...» асарида шундай ёзади: Мўғуллар «лой жанги»да голиб келиб, кейин Самарқанд атрофи-га етиб келгач, шаҳар аҳли жоме масжидига йиғилган. Шаҳарни мўғуллардан мудофаа қилиш тадбирлари хусусида турли фикрлар билдирилган. Лекин жўялироқ бир фикр бўлмагач, мударрис Мавлонозода минбарга кўтарилган. Мавлонозода фақат мударрисгина бўлиб қолмай, айни пайтда камондан яхши ўқ-ёй отар, ўта журъатли ва довию-рак бир инсон бўлган. У мажлис аҳлига кизгин салом бериб, баланд овозда шундай мурожаат қилган:

— Эй, мусулмонлар жамоаси! Бугун кофирлар устунлик қилмоқда. Улар мусулмонларнинг хонумони, хотин, бола-чақаси,

камон ўқлари, тошлар ёғдирилди, уларни таёқлар билан саваладилар. Натижада тор кўчада куршовда қисилиб қолган мўғулларнинг минг аскарлари мажрўх бўлди, юзтаси қўлга олинди. Эртаси кuni ҳам мўғуллар бор кучини ишга солиб ҳамла қилдилар, турли ҳарбий хийлаларни ишга солдилар, масалан, ўзларини чекинаётган суратда кўрса-тиб, шаҳар ҳимоячиларини шаҳардан ташқарига, ялангликка олиб чиқишга уриндилар. Лекин сарбадорлар бу хийлаларни англади, шаҳар ичида туриб уларга зарба бердилар. Ҳимоячиларнинг метиндай бирлигига бас келолмаган мўғуллар шаҳарни босиб оломасликларини тушундилар. Ниҳоят, улар Самарқанд атрофидаги ерлар, қишлоқларни таладилар. Бир неча кун ўтгач, уларнинг отлари вабо касалига учраб, кўпи ўлди. Аскарларнинг аксарияти пиёда қолди ва ўз вилоятларига қайтишга азм қилди. Шундай қилиб, сарбадорлар ғалабага эришдилар.

Сарбадорлар ҳаракати асосан

бадорларни мавжуд «тартиб-қоида» оёқ ости қилиб, ҳокимиятни эгаллаб, зўравонликка ружу қилди» деб айблайди. Худди шундай айбловлар Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» ва Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китобларида ҳам учрайди.

Бундай норозилик сабаблари нимада эди? Шунда эдики, сарбадорлар раҳбарияти хирож ва солиқларни камайтирган, дини ислом жорий этилганидан кейин 700 йил ўтган бўлса-да, ҳамон халқдан ундириб келинаётган дин-этиқодда қолиш бадали — ҳизия солиғи тўлаишини бекор қилишган. Чиндан ҳам, бу даврга келиб, дини ислом маҳаллий халқ қалби ва руҳиятига чуқур кириб борган, энди ундан дин-этиқод амалини талаб қилиб, ҳизия солиғи солишга зинҳор ҳожат қолмаган эди. Бундан ташқари, сарбадорлар қўл меҳнатини бекор қилишди. Йирик заминдорларнинг ерлари ҳам тортиб олинди, сарбадорлар ўртасида тақсимланган, хирож ва солиқ тушумлари шаҳар аҳолисининг яшаш ва меҳнат шароитларини

Сарбадорлар

номуси, еру молига кўз олайтириб келдилар. Ҳозир амрига мувофиқ иш кўрса бўладиган ҳоким йўқ. Шу кунгача бож-хирож деб ном қўйиб, мусулмонлардан ҳизия олган ҳоким, уни ўз ҳою ҳаваси йўлида сарфлади, кучли душман пайдо бўлгач, мусулмонларни ташлаб қочди. Энди эса шаҳар аҳолиси ҳар қанча совғалар тортиқ қилмасин, мўғуллардан халос бўлолмайди.

Улуғлардан бирортангиз мусулмонларни зулму ситамдан сақлаб қолишни, Ислом шаҳрини муҳофаза қилишни ўз зиммангизга олмасинми? Токи биз унга эргашиб, хизматида бўлайлик!

Самарқанднинг барча ақоиб, ашрафу бузурговлари хомуш тортиб, ҳеч бири жавоб бермади. Шундан кейин Мавлонозода деди:

— Сиз зиммангизга олиб, журъат қадамни илгари қўймас экансиз, агар мен ўз зиммамга олсам, мадад бериб, ҳамроҳлик қиласизми ёки йўқми?

Авому хосга бу гап маъқул келиб, бирдан ҳайқирди ва уни ўзларига сардор этдилар.

Шундан сўнг шаҳар мудофаасига киришилди. Барча дарвозалар беркитилди. Кўчалар, боғлар атрофига говлар қурилди. Фақат бир кўчани очик қолдиришиб, шу ерда Мавлонозоданинг ўзи 500 киши билан пистирмада турди. Душманнинг қоровул (олдинги) қисмлари, ҳеч ким қаршилик кўрсатмайди, деган ўйда, кўнгиллари тўқ ҳолда шаҳарга кириб келганида Мавлонозоданинг ишораси билан дўмбиралар чалинади. Душманга ҳар томондан

оддий халқнинг манфаатларини кўзлаган эди. Шу боисдан бу ҳаракат ғалабаси ва ҳаракат дастури ҳамда Самарқандда улар мўғулларни мағлубиятга учратиб, кейин амалга оширган тадбирлар маҳаллий феодал ҳукмрон доираларга кескин маъқул келмаган. Шу боисдан бўлса керак, ўша даврнинг расмий тарихчилари бу ҳаракатни деярли қоралаб қаламга олишган. Масалан, улар «сарбадор»ларни «дорбоп» (яъни дорга тортилишга муносиб кимсалар) деб киноя қилишади. Сарбадорлар ҳаракати «қонуний» ҳокимиятнинг душманлари, ваҳший исёнкорлар, деб баҳоланади. Жумладан, Низомиддин Шомий ўзининг «Зафарнома» китобида «Мавлонозода»и Самарқандий, Мавлоно Хурдак Бухорий ва Абу Бакр Наддоф уювон сарбадор бўлиши, безори одамлар улар атрофи-га йиғилган эди... У уч киши сардорликдан мағрурланиб келиб, жабру зулмни хунар қилиб олдилар» дейди («Зафарнома», «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил, 50-бет). Кейинчалик яна бир тарихчи — Мирхонд ўзининг «Равзат ус-сафо» асарида, сар-

яхшилаш мақсадларига сарфланган. Сарбадорлар ижтимоий тенглик ва тенг ҳуқуқлик тарафдори эдилар. Худди шу мақсаддан келиб чиқиб, ҳатто сарбадорлар ҳокимияти ўз бошқарувлари муассасасининг биситини ҳам йилда бир марта оддий халқ таловига қўйилишини режалаштиришган.

Табиики, сарбадорларнинг ижтимоий ҳаётдаги бундай ислохотлари маҳаллий зодагонларга ёқмас эди. Ва улар бундай ҳаракатни йўқотиш мурдаоси билан яшадилар.

Самарқандда сарбадорлар ҳукмронлиги бир йилча давом этди. Келаси йил (1366 й.) Темурбек билан амир Ҳусайн қўшинлари Самарқанд атрофида пайдо бўлди. Табиийки, улар мўғулларнинг сарбадорлардан мағлуб бўлиб қочганидан қувондилар. Бироқ сарбадорларнинг жангдаги ютуғи, уларнинг ҳаракати кучайиб кетиши, айниқса амир Ҳусайнни — вақти келиб Мовароуннаҳрга тўла эгалик қилишни ният қилган бу инсонни хавотирга солди. У сарбадорларнинг ислохотидан ҳам хабардор эди. Бу эса унга ёқмасди. Уллас, сарбадорларни йўқотиш унинг мақсадига айланди.

Ҳофиз Абу амир Ҳусайн хийла-найранглари тўғрисида батафсилроқ маълумотларни қолдирган. Унинг ёзишича, амир Ҳусайн Балх, Бадахшон, Кундуз, Бағлон, Анхуд ва Шибиргон лашкарларини тўлаб, Самарқандга қараб юрган. Сўнг сарбадорларга мактуб йўллаб, унда сарбадорларни ўзига, ҳатто ўз амирларидан ҳам яқин тутишини айтган. Самарқандликлар унинг таклифларини чин билиб, фурсатни қўлдан бой берганлар. Бу хийла гапга ишонишиб, улар амир Ҳусайн Конирилга етиб келгач, унга иззат-икром билдириш, тортиқлар тақдим этиш мақсадида истиқболга чиққанлар ва хизматига шай бўлиб туришган. Амир Ҳусайн биринчи кuni сарбадорларга илтифот кўрсатган. Бундан улар руҳланиб, кўнгилларидан хавф-хатар ғубори кўтарилиб, эртаси кuni совғалар ва камёб моллар билан унинг хузурига йўл олганлар. Карбос деган ерга етганларида, амир Ҳусайннинг буйруғига биноан, уларнинг ҳаммаси қўлга олинган. Фақат Мавлонозода Темурбекнинг илтимоисига кўра, дор тагидан қутқариб олинган.

Нима бўлганда ҳам, сарбадорлар ҳаракати — миллий тарихимизнинг энг ёрқин, мазмундор саҳифаларидан биридир. Улар қарийб 145 йил давомида Туронзаминни эзиб келаётган мўғул босқинчиларига қарши бош кўтариб, уларни енгиб, мамлакатда халқ ҳокимиятини ўрнатишга бел боғлаган мард ва ҳалол мақсадни ятли инсонлар эди. Улар Ватан шаънининг фидойилари сифатида ўз номлари ва жасоратларини тарихда ўчмас қилиб муҳрлаб кетдилар.



ИМКОНИАТ ЭШИКЛАРИ



«ОЗИҚОВҚАТСАНОАТ» УЮШМАСИ

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН БАРЧА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИ

2001 йил учун қуйидаги ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН ШАРТНОМА ТУЗИШГА РЕСПУБЛИКА УЛГҲРЖИ КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, НОНВОЙЛИК ХАМИРТУРУШЛАРИ,
ЧОЙ, АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР,
МАЪДАНЛИ СУВЛАР, ПИВО.

Кўргазма 2000 йил 21 дан 23 ноябргача
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-ўйда ўтказилади.
Маълумот учун телефонлар: 41-22-82, 144-08-54.



ВАЗИРЛИКЛАР, УЮШМАЛАР ВА КОРХОНА,
ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚКАТИГА.

«ЎЗБЕКЧАРМПОЙАБЗАЛИ» УЮШМАСИ

2000 йил 20-22 ноябр кунлари
«ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» маркази биносида

2001 йилга буюртмалар портфелини тузиш учун
улгўржи-чакана савдо ярмаркасини ўтказилади.

Савдо ярмаркасида Сиз 2001 йили уюшма таркибидаги пойабзал ва чарм-атторлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳамда янги модел ва дизайндаги маҳсулотларни шартнома асосида сотиб олиш ҳамда амалий муносабат ўрнатиш имкониятларига эга бўласиз.



Барчангизни «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан ўтказиладиган савдо ярмаркасига лутфан таклиф этализи.

Маълумот учун телефон: 55-73-34. Факс: 54-65-60.
Манзил: Тошкент ш., Беруний к. 41.

«ЎЗБЕК ИПАГИ» УЮШМАСИ

БАРЧА МАНФААТДОР ТАШКИЛОТЛАРИНИ

«ЎЗБЕК ИПАГИ» УЮШМАСИ КОРХОНАЛАРИ
ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
ИПАК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

2001 йил учун улгўржи савдоси
РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

КЎРГАЗМАДАГИ САВДОГА УЮШМА КОРХОНАЛАРИ
ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЖАМИ 9 МЛРД. СЎМЛИК
МАҲСУЛОТЛАР ҚЎЙИЛАДИ.

КЎРГАЗМА 2000 ЙИЛ 20 НОЯБРДАН
23 НОЯБРГАЧА «ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» АЖ
БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 41 (собиқ «Алпомиш» спорт саройи)

Сурхон ажанга фарма лимитед

қуйидаги дори-дармонларни савдога чиқаради:



- «Апциллин-500», капсулалар, №10 (Ампициллин 500 мг)
- «Апциллин-250», капсулалар, №10 (Тетрациклин 250 мг)
- «Апмицин-40», ампулалар, №10 (Гентамицин сульфат 40мг/2мл)
- «Апмицин-80», ампулалар, №10 (Гентамицин сульфат 80мг/2мл)
- «Апальгин-500», ампулалар, №10 (Анальгин 500мг/1 мл)
- «Апламин-500», ампулалар, №10 (Витамин В12)
- «Апальгин», таблеткалар, №10 (оверкни қолдирувчи восита)
- «Тибинил Р-150», капсулалар, №10 (Рифампицин 150 мг)
- «Тибинил Р-300», капсулалар, №10 (Рифампицин 300 мг)
- «Тримол», таблеткалар, №10 (оверкни қолдирувчи восита)




Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 54.

Маълумот учун телефонлар:
(3712) 56-75-84, 56-75-89, 152-34-91.

Ўт сафро
(буйракдаги),
ошқозон-ичак оғриқларида
самарали дори

АСПАЛЬГИН

Бу дори кучли
оғриқни босади



ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ.

ОҒРИҚ
?

ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

АПАЛЬГИН

(500 мг анальгин) оғриққа қарши куч.

Анвар ОБИДЖОН

Бекорчиликдан зериккан Хуррам танишларига кўнғироқ қилиб, биридан Маман банкирнинг ити нимадан ўлганини, иккинчисидан хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан бугунги кийматини, учинчисидан Пирхон терговчининг қайнаси қайси жиннихонада ётганини эзмаларча суриштириб чиқач, сигарет қолдиғини кулдонга дўнқайтириб босди-да, дивандан лоҳасгина турди. Ялқовланиб кершаркан, шаллақиларча янраган қаҳқаҳадан сергак тортиб, аста ортага ўтирилди.

Телевизорда кўрсатилаётган «Сеними, шошмай тур!» мультфильмида бўри куёни тинимсиз қувалар, креслонинг суянчигига кўниб олган тўтиқуш эса, экрандан кўз узмай, қанотларини пир-пиратиб-пирпиратиб қулишда давом этарди.

Хуррам ўзига бошқа эрмак топиш илинжида энди тўтиқушга ёпишди:

— Бабангида! Буюққа кел! Вишт!

Тўтиқуш гоҳ Хуррамга, гоҳ телевизорга жаланглаб, жойида кўнқайиб тураверди. Хуррам дўк урган оҳангда қайта чорлаганидан кейингина, ҳафсаласизлик билан учиб келиб, унинг елкасига кўнди.

— Телевизорга мукангдан кетма! — Тўтиқушга дашном берди у. — Бошни керакли нарсага ишлат.

Хуррам «Дунё атласи» деган китобни олиб, жавончининг устига қўйди. Унинг ўрта вароғини очди ва харитага бармоқ тираб сўради:

— Хўш, бу қайси юрт?

— Тур-р-кия... Тур-р-кия, — елкада туриб жавоб қилди тўтиқуш.

— Балли, Бабангида! Буниси-чи?

— Австр-р-ралия! Чакалакзор-р! Вах-хах-ха, вах-хах-ха...

— Туғилган юртингни кўриб суюниб кетдинг-ку, олакўз. Лекин, мен сенга айтсам, ватан-патан деганлари умумий бир гап. Тирикчилигинг қаерда ўтса, ана ўша ҳақиқий Ватан...

Тўтиқушнинг фарғарадор кулгиси таралди дегунча, танасида тутқаноқ касаллигига мойиллик сезадиган бўлиб қолган Майнахон кўлида личоғи билан ошхонадан чиқиб келди. Тўтиқуш уни кўриб, пир-р этиб бориб, дераза тоқчасига кўниб олди.

— Бўлди-да, دادаси. Шу тўтиқушнинг жинни қип қўйманг энди.

— Жинни қилаётганим йўқ, илм ўргатяпман бунга, — ўзини оқлаган бўлди Хуррам. Сўнг эшик кўнғирогининг жинингизни жонига ора кириб, хотинини тездан ўша ёққа бадарга қилди. — Бор, эшикни оч!

Майнахон эшикни очишга борганича, Хуррам кутганидек, ошхона томонда қораси ўчиб қолиб кетди. Хонага кўйдирилган калладек тиржайиб Одамхожи кириб келди.

— Ассаломалайкум, Хуррам Қовоғивич!

Хуррам ноҳушига қўл чўзаётиб зардаланди:

— Неччи марта айтаман сенга? Одмигина қилиб Хуррам ака деявермайсанми.

Столга ўтириб, юзларига фотиха тортишлари биланок, Одамхожи: «Бир хизмат қилиб қолди, хўжайин» дея гап бошлаган эдики, Хуррам пешанасини тириштириб, унинг озгини чаплади.

— Э-э, олдин нафасингни ростласанг-чи. Америкаликка ўшба дарров ишдан гапирмагин.

Дераза тоқчасидаги тўтиқуш

шу заҳоти гапни илиб кетди:

— Амер-рри-ка... доллар-р... доллар-р...

— Ие! Тўтиқушингиз зўр-ку, Хуррам ака, — қушга завқланиб тикилди Одамхожи. — Тўғри топдинг, тўтиқуш. Доллар бу Американи пули.

Тўтиқуш учиб келиб, Одамхожининг ёнидаги бўш стулга кўнди, унга қиялаб разм солди:

— Мар-р-ка... мар-р-ка... Гер-р-мания.

— Ёпирай! Бунисиниям тўғри топди-ку! — ёқа ушлади Одамхожи.

— Р-рубл.. р-рубл...

Одамхожи хўплаган чойини шошилини ютиб, тўтиқушни тилидан илинтиришга ошиқди:

— Хўш, рубл қайси юртининг пули?

— Р-россия... Р-россия, — ҳозиржавоблик билан ариллади тўтиқуш ва кўксига қанот босиб, кўзларини сузди. — Мар-р-рия... Мар-р-русия... Вах-хах-ха, вах-хах-ха...

Хуррам тўтиқушга кўшилиб, шарақлаб кулди-да, уни бармоғида ўдағайлаб илжайди:

— Хе, суюқ! Сенда иш кўп.

— Балони ўзи-ку бу қуш, — тан бериб ҳиринглади Одамхожи. — Қойилман.

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

— Шунақа! Бунга шахсан

арзонроққа олиб, омборнинг бир четига босиб қўйган экан. Текширувчилар келиб, таппа босишибди.

— Ҳамма жойда танишларингиз бор, — мўлтираб ялинди Одамхожи. — Шу ишга аралашмасангиз бўлмайди, ака.

— Ҳужжатсиз молни омборда сақлаб бўларканми, каллаварам, — танбеҳ берди Хуррам. — Айниқса, ҳужжатсиз импортний молни дейилишини биласанми?

Тўтиқуш гердайиб, дарҳол билимини пеш қилди:

— Контр-р-рабанда! Интер-р-пол!

— Ие! — бир сесканиб тушди Одамхожи. — Бу қушми, ё айғоқчимми?

Хуррам: «Юракни урдириб қўйибсан-ку, бола. Бу, шунчаки, телевизордан ўрганган бўлса керак», дея елка учириб кулди. Сўнг жиддийлашиб, текширувчиларнинг кимлигини сўради. Одам-

куйиниб чинғиллади Одамхожи.

— Бу қушдан яхшилик чиқмайди. Тўтиқуш Хуррамга кўз ўйнатиб, қанотини осмонга бигизлади:

— Кор-р-рупция! Тур-р-ма! Каррам шўр-р-ва!

— Оғзингни юм, аблаҳ! — бўкирди Хуррам. — Турма нима-лигини кўрсатиб қўяма сенга! Ҳозир ўзингни қафасга тикаман! Ушла уни, Одамхожи!

Иккаласи стулларни ағдар-тўнтар қилишиб, тўтиқушни қувалай кетишди. Тўтиқуш ўзини у бурчакдан бу бурчакка уриб, тўхтовсиз айюҳаннос сола бошлади:

— Ёр-р-да-а-м! Ёр-р-да-а-м!

Қўлида капгири билан хонага ҳалпиллаб кириб келган Майнахон аҳволни кўриб, бир муддат донг қотиб турди. Сўнг бир эрининг, бир Одамхожининг олдини тўсиб, уларни шаштидан туширишга уринди:

— Ҳой, нима бўлди кап-катта одамларга? Тўхтанглар! Тўхтанглар дейман! Ба-а-с!!!

Охири кичкирик янгради-ю, Хуррам билан Одамхожи генералнинг овозини эшитган аскардек таққа гўдайиб тўхташди. Патлари тўзиб кетган тўтиқуш учиб келиб, Майнахоннинг елкасидан панох топи да иккала таъқибчи-га галма-гал бақрайиб боқди.

— Ҳа, دادаси? Нима гап?

— Кўрмайсанми бу маразни. Тузимни ичиб, тузлигимга ту-пурапти.

Ўз навбатида тўтиқуш ҳам бўш келмади. Қанотини озига тираб, Майнахоннинг қулогига ариллади:

— Мар-р-жона... Мар-р-жона... Секретар-р...

Майнахон тўтиқушни авайлаб қўлига олди, кўзларига синчковланиб тикилди:

— Нима деддинг! Қайтариб гапир-чи, Бабангида.

Тўтиқуш бу сафар батафсилроқ қилиб ўқтиришга тиришди:

— Хур-р-рам... Мар-р-жона... р-ресторан... р-ракс... р-ракс...

— Вой, ивбогар-ей! — газаби қайнаб типирчилади Хуррам. — Энди гапни бошқа ёқдан кавлашини қаранглар!

Одамхожи ҳам тўтиқушга тиш гижирлатди:

— Хе, ҳаромгўшт! Чет эллик сотқин!

Майнахоннинг юзи гезариб, эрига чимрилди:

— Ҳа-а, гап бу ёқдамида? Тунов кунни ўтиришда бўлдиқ деб, ресторанда Маржонахон билан ракс тушганаканлар-да?

— Бош буғолтиримиз туғилган кунини ўтказди. Ресторанга ҳамма борган.

— Ўша кунни туришингиз бошқачалигини сезувдим-а! Хотин-жон, сенга битта зў-ў-р совға мўлжаллаб кўйдим деб қийшанг-лашингизда гап борақан-да, а?

Хуррам меровланиб пўнғиллади:

— Қўрма, эртагаёқ опкеламан ўша совғани.

— Раҳмат! — терсланиб, биқинига қўл тиради Майнахон. — Совғани олиб бўлдиқ. Ўзларига қайтаришимиз қолди, холос. Хўш, кўнғиллари қанақа совға тусаяпти?

Хуррамнинг кўзлари пилдираб, пайсалланганича туриб қолди. Унинг ўрнига тўтиқуш жавоб қилди:

— Тар-р-саки! Тар-р-саки! Вах-хах-ха, вах-хах-ха, вах-хах-ха...

Майнахон нафратомуз лаб жи-мириб қўйиб, ошхонага кириб кет-таётганида ҳам елкасидидаги тўтиқуш қаҳқаҳ уришдан тийилмади. Аммо кар-караҳт тусга кирган Хуррамнинг қулогига энди бу қаҳқаҳалар чалинмас, унинг миёсида раҳматли Масирқори айтган бир гап қайта-қайта жаранглаётган эди: «Аҳмоқ билан шаллақини илмга аралаштириш яхшиликка олиб бормайди».

Ажаб савдолар

Китоб ўрнида... Тақинчоқ

Қишлоқда чўпон бўлиб ишлайдиган бир дўстим бор. Самарқандга ҳар келганида, энг аввало, қутлуг қадамжоларни зиёрат қилади. Маънавият масканларига ташриф буоради. Суҳбатларида ҳамма билан бугунги кун воқеалари, сиёсий ҳаёт устивор. Ана шу йигит билан кейинги учрашганимизда у Самарқанддаги китоб дўкони ҳақида аччиқ мулоҳазаларини айтиб қолди.

— Эсимни таниб, Самарқанд деган шаҳарни билибманки, ана шу китоб дўкони билан ошманам. — Кеча дўконга кирсам, аввалгидек китоблар йўқ. Уларнинг бир қисми ўрнини тилло тақинчоқлару яна қандайдир тижорат моллари эгаллабди. Мен эса маънавий бойлигимиз бўлган ўзбек адабиётини ҳеч қандай тиллога ал-машмасдим...

Ҳа, дўстим ҳақ гапни айтиди. Маънавий бойлиқнинг баҳоси йўқ. Уни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Самарқанд шаҳридаги мустақиллик кўчасида жойлашган китоб дўкони 75 йилдан буён «Самарқандкитоб» акциядорлик жамияти томонидан ижарага олинган. Ва шу йилларда бу ерда фақатгина китоблар, дарслиқлар ҳамда маънавийтимизни тарғиб этувчи кўплаб кўргазмалар воситалар сотиларди. Энди эса...

Самарқанд шаҳар уй-жой коммунал хўжалиги билан тузилган 75 йиллик шартнома шартлари бузилди. Самарқанд шаҳар ҳокимининг 1999 йил 26 апрелдаги қарори билан айнан ана шу дўконнинг ўзида хусусий фирма фаолият кўрсата бошлади. Оқибатда китоблар ўрнини тижорат моллари эгаллади. «Самарқандкитоб» акциядорлик жамияти бу қарор ижросидан норози бўлиб, тегишли жойларга мурожаат қилди. Лекин ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Вилоят ҳокимлиги йиғилишларида ҳам бу ҳақда бир неча бор гап-сўзлар бўлди. Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси тизимидаги мулкни ижарага бериш «Лизинг» маркази эса аввалги шартнома шартларининг бузилганлигини исботлаб берди. Кейинги тузилган шартноманинг бекор қилинганини маълум қилди.

Шундай бўлса-да, китоб дўконидан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳамон давом этапти. Бу китоб дўконининг қачон асл ҳолига қайтишини эса маънавий бойлик эгалари интиқлик билан кутишапти. Яна ким билади дейсиз, маънавий бойлиқнинг моддий бойликдан устун эканини кимлардир кимларгадир яхшилаб тушунтириши керакмикан?

Абдурасул САТҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ўзим илм ўргатяпман...

Пича у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришгач, Хуррам: «Хўш, хизмат, Одамхожи?» — дея ниҳоят меҳмоннинг дардини суриштирди.

— Аввало, безовта қилганим учун узр, — дея сипо гап бошлади Одамхожи. — Сизни дам олиш кунни уйдан ушламасак, бошқа вақтда панд бериб кетярсиз.

— Ўша кунни сеникига борман деб турганимда, бош буғолтиримиз туғилган кунини нишонлаб қолди. Ресторандан эртарақ жилай десам, давра совийди, деб ҳеч қўйворишмади. Кейин секретарим Маржонахон рақсга тортиб, кайфчиликда ўйнайверибман, ўйнайверибман...

Хуррамнинг озига тикилиб турган тўтиқуш яна гуруннга суқилди:

— Р-ресторан... Р-ресторан... Мар-р-жона...

— Калласи зўр бунди! — тўтиқушини мақтаб керилди Хуррам. — Кўрдингми, шу гапниям тезда илволди. Хи-хи-хи...

Одамхожи ҳам тўтиқушнинг шаънига олди-қочди тахсинлар айтган бўлди-ю, яна писмайиб мақсадга кўчди. Яқин миҳозларидан ҳужжатсиз хорижий молни

хожи текширувчиларнинг исми ва иш жойлари ёзилган қоғозни узатгач, унга апил-тапил кўз ташлаб, димоғланиб деди:

— Бўпти. Чорасини топамиз.

Одамхожининг чехрасида чирок ёниб, Хуррамнинг бошидан ташаккур ёғдира кетди. Хуррам эса, қуруқ раҳматлар билан қониқадиган ёшдан аллақачон ўтиб бўлган эди. Пайтдан фойдаланиб, энди ўзининг ишини битиришга чоғланди:

— Ҳалиги, кичик корхонаси бор божанга айтиб қўй. Келиб, ўринбосаримга учрашсин. Заводимиздаги баъзи ускуналарни ҳисобдан чиқариб, арзонроққа берворади. Божанг билан кейин ҳисоблашармиз.

— Бир оғиз гапингиз, ака.</

Сидней сабоқлари

Озод РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи»
мухбири.

Бокс академияси керакми?

ёхуд ёзилмай қолган фельетон



Олис Австралида боксчиларимиз эришган улкан ғалабадан ҳар биримиз чексиз фахрланаётганимиз рост. Тўғри-да, Олимпия чўққисини забт этиш ҳатто бир неча карра жаҳон чемпионларига ҳам насиб этмаганлиги хусусида кўп таъкидлар келтирилди. Шунингдек, курашчиларимиз ҳам юртимиз довуруғини янада ошириш учун белни маҳкам боғлаб ғиламга тушганликларини алоҳида тилга олиш жоиз.

Хўш, қолган спортчиларимиз-чи? Ахир, Сиднейга жами 77 нафар энг сара йигит-қиз йўл олишган эди-ку? Олдин хабар қилганимиздек, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида XXVII Олимпиада ўйинлари якунининг таҳлилига бағишлаб ўтказилган йиғилишларда, энг аввало, ана шу саволларга жавоб изланди, спорт федерациялари раҳбарларининг мазкур масала бўйича ҳисоботлари тинланди.

Этиборлиси шундаки, йиғилишлар бурунчилардан фарқи ўлароқ, баҳс-мунозара тарзида ўтди. Айниқса, гап дзюдочиларимизнинг муваффақиятсиз иштироки ҳақида кетганда, томонларнинг фикри бир-биридан тубдан фарқ қилди. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси маъсул ходими Ф. Ражабов федерация ишидаги камчиликлар, мураббийлар аравани ҳар томонга тортаётганини танқид қилса, иккинчи томон бу мулоҳазаларни бутунлай инкор этди. Яна кимдир тайёргарлик даврида спортчиларнинг овқатланиши меъёрида бўлмаганлигини ҳам айтди. Бошқабирлиги эса жойларда ўринбосарлар

тайёрлаш масаласи ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги хусусида куюниб гапирди.

Бу гапларда жон бордир. Лекин, бизнингча, ушбу хулосалар муваффақиятсизликнинг сабабидан кўра баҳонасига яқинроқ жаранглапти. Йўқса, Фарҳод Тураев, Армен Богдасаров, Камол Муродовлар дунёнинг қайси дзюдочисидан кам? Уларнинг халқаро майдондаги тажрибаси ҳам етарли эди.

Едингида бўлса, Сиднейда иштирок этган терма жамоаимиз аъзоларининг кўпчилигини энгил атлетикачилар ташкил қилганди. Бироқ улардан биронтани фахрли ўринларни эгаллай олмади. Ўз ўзидан савол туғилади: нима, Ўзбекистонда энгил атлетика ривож шуда қандай пастми? Эки тайёргарлик маромига етмадимми? Аччиқ бўлса ҳам очиқ айтишга мажбуримиз. Иккинчиси ҳақиқатга яқин. Бу масалага панжа орасидан қаралди. Олимпиада ўйинлари бошланганига санақли ойлар қолганлигига тайёргарлик курашга қайтирилди. Албатта, бу шомашошарлик ижобий натижа бермаслиги ўша пайтдаёқ маълум эди. Инчунун, Олимпия чўққисига интилган спортчи ҳам, мураббий ҳам йиллар давомида ҳозирлик кўриши зарурлиги хусусидаги оддий ҳақиқат хаёлдан кўтарилди. Аслида энгил атлетикачиларимизнинг «оламшумул» иштироки тўғрисида фельетон ёзмакчи эдим. Лекин...

Биз бир неча йил давомида сувда сузувчиларимиз қўйғанда етакчи ўринда туришди, деб мактаниб келдик. Буни ҳеч ким инкор қилмоқчи ҳам эмас. Бироқ Олимпиада беллашувларида осийлик ёхуд африкалик спортчиларга бирин-бир имтиёз берилмаслигини эслатиб ўтмоқчи бўлган, ҳоланки Дарвоқе, бу масалани янада қат-

тиқроқ қўйишга тўғри келади. Чунки нафақат сузиш, балки бошқа спорт турлари бўйича ҳам кўпинча ютуқларимизни қўйғандаги мавқеимизга қараб ўлчаймиз. Ҳатто кун сайин тараққий этаётган теннисда ҳам. Осийдаги тамиз-да, Европа мамлакатларидан йирик ҳисобда доғда қоламиз.

Юқорида тилга олганимиз, йиғилишларда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда умумспортимизнинг келгусидаги ривожига билан боғлиқ қўйлаб мулоҳаза ва тақлиф бундир.

Шу ўринда мен ҳам бир тақлифни ўртага ташламоқчиман. Бокс бўйича мамлакатимиз жаҳонда етакчи ўринларга кўтарилди. Бошқа спорт турлари (футбол, баскетбол, қўл тўпи, энгил атлетика, сузиш ва ҳоказолар)дан яқин йилларда ана шундай чўққига чиқишимиз қийин. Шунинг учун ҳеч бўлмаса боксдаги музаффарлигимизни сақлаб қолиш, ўринбосарлар тайёрлашни янада юқори поғонага кўтариш мақсадида Андижон бокс академиясини ташкил этиш зарур.

Бўлажак академия ходимлари чарм қўлқоп баҳсларига нафақат тактик ҳамда жисмоний, балки илмий томондан ёндашишлари, ҳар бир «жанг»ни чуқур таҳлил этишлари лозим. Бу — давр талаби. Бўлмаса, дунё бокси билдан анча илгариллаб кетади.

Қани эди, ана шундай академиялар ташкил этилса, уларнинг битирувчилари 2004 йил Афинада шуҳрат шоҳсупасининг энг баланд жойидан ўрин олишга. Ахир орзуга айб йўқ, дейишди-ку.

Юлдузлар ва шов-шувлар

Шифокорлар хоккейчи соғлиғидан ташвишда

Ўтган мавсумнинг сўнгги учрашувларидан бирида жиддий жаҳдат олган Миллий хоккей лигасининг энг етакчи ўйинчиларидан бири Эрик Линдросни «Филадельфия» жамоаси маъмури яна катта хоккейга қайтаришга уринмоқдалар. Хоккейчи бир мавсум учун нақд 8,5 миллион доллар миқдорда маош ҳам тақлиф этилди. Бироқ спорт фаолиятида олтинчи бор мия чайқалишига учраган Линдросга врачлар музга қайтишни таъқиқлашмоқда.

Карпат Марадонаси футбол билан хайрлашади

Руминия терма жамоаси сафида 125 марта майдонга тушган ва рақиблар дарвозасига 35 та гол киритган, Карпат Марадонаси номини олган машҳур футболчи Георгий Хажи катта футбол билан хайрлашишга қарор қилди. Бу футбол юлдузининг хайрлашуви кечаси келгуси йил апрел ойида ўтказилади. Катта футбол байрамида Руминия терма жамоаси жаҳон юлдузларига қарши майдонга тушади. Ушбу ўйинга 90-йилларнинг энг машҳур футбол юлдузлари тақлиф этилган.



Унутилмас
лаҳзалар

Ориф Эрдам ва «Галатасарой»

Туркия терма жамоаси ва Испаниянинг «Реал Соседад» клуби ҳужумчиси Ориф Эрдам яқинда Туркияга қайтиб келиб, ўзининг собиқ жамоаси — «Галатасарой» билан яна уч ярим йилга шартнома имзолади. Клуб унинг трансфер баҳосини 4 миллион доллар миқдорда белгилади.

Жаҳон биринчилигида ўзгариш бўладими?

Истанбулда бўлган шахмат олимпиадаси пайтида ФИДЕнинг 71-конгресси ўтказилди. Унда сўз олган ташкилот президенти Кирсан Илюмжанов бундан буёғига Жаҳон чемпионлигига даъвогар шахматчилар ФИДЕ томонидан танланганидан тўққиз турнирда тўплаган очколарига қараб аниқланади, деган янгиликни айтганда кўпчилик буни ўзига хос «сенсация» деб қабул қилди. Чунки айни пайтда Россиянинг уч гроссмейстери — Гарри Каспаров, Владимир Крамник ва Анатолий Карповлар бошқа шахматчиларни тож сари яқинлаштирмай турган бир пайтда бу бошқа мамлакат вакилларига ёқиб тушди.

ЭЛМУРОД тайёрлади.

Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим бошлиғи Атамурад Маҳатмуратовга акаси **Ҳожимурод МАХАТМУРАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Шахмат хангомалари

Дўстинг учун захар ют

Париждаги шахматчилар кафеси саналган «Режанс»га шуҳрат келтирган киши Филлидордир. У бу ерда ҳамчи шахмат ўйна ва кўпинча ўзининг янги мусиқа асарларини чалиб беради. Филлидорнинг дўсти бўлган Ришар эса шу кафе хўжайинининг қизи Дорига хушомад қилиб юрарди. Онаси қизини унга беришга рози эди-ю, лекин бир шарт қўярди: Ришар Филлидорни шахматда энгсин!

Филлидор бундан хабар топгач, ҳамкасби (мусиқа бобида) Ришарга кўмаклашишга қарор қилди. Кафе томошабинга лиқ тўлиб кетди. Ришар шунақаям ёмон ўйнардикки, Филлидор бехос ютиб қўймаслиги учун ниҳоят даражада хушёр туриши керак эди. Ногоҳ қўшни хонадан бастакор Филлидор яратган қўшиқ садолари эшитила

бошлади. Шахматчи Филлидор бир нафас хаёл суриб мусиқани тинглади ва ... рақибини мот қилиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди. Энди нима қилиши керак? Дўстинг учун захар ют, деганларидек, Филлидор гапни нозик томонга бурди: агар севишганларнинг никоҳига розилик бермасангиз, қаҳвахонангизни бутунлай тарк этиб, рақобатчингизнига ўтиб кетаман, деди. Хуллас, тўй бўлди.



Уч юришда мот.
Оқ фарзин бошлайди.

Қайлиги айниб қолди

Анна деган польшалик бир қиз қайлигига агар мени шахматда юта олсанг, сенга тегаман, деди. Шахматга сира тоби йўқ бу йигит севгилисига етишиш учун махсус адабиёт устида яхшилаб тер тўкишга мажбур бўлди. Етти ой шахмат китобларини титди, жуда кўп ўйнади ва, ниҳоят, «жанг»га шай эканлигини пайқаб, Аннанинг олдига келди.

Кув ютиб чиқдию, ошиқ ўзининг ҳал қилувчи ўйинига тайёрланиб юрган чоғида Анна ваъдасидан тониб қолган экан.

Пани Аннанинг эса, айтишларича, ўша-ўша, шахматни кўришга тоқати қолмаган эмиш.

Мамажон
МУХИДДИНОВ.

Классика

Қачонлардир биз бу шоҳ сатрларни ўқиганмиз, ёдлаганмиз. Бугун ҳам ўша китобларни чанг босган жавонлардан олиб, вақти-вақти билан мутолаа қиламиз ва ҳамон ҳайратга тушамиз. Зотан, ҳайратнинг ўзи — классика. Биз ҳам бундан буён «Классика» рукнида жаҳон адабиёти ва маънавиятига улкан ҳисса қўшган алломалар ижодидан намуналар бериб борамиз. Токи, булар бизни янада ҳайратга солсин, яхшилик ва ёруғликка ундаб турсин.

Фарёдким гардуни дун, —
Айлар юрак бағримни хун,
Кўрдикки бир аҳли фунун —
Чарх анга кажрафтор экан.

Қолмай шаҳарда тоқатим,
Қишлоқ чиқардим отатим,
Хоҳи яёв, бўлсун отим,
Гоҳ сайр ҳам даркор экан.

Ултармага қилдим юруш,
Йўлдош эди бир чифтуруш,
Етдим жадаллаб вақти туш,
Бирдан қизиқ бозор экан.

Бир маърака кўрдим бутун,
Жами ёпинган бошга тўн,

Муқимий
Саломатнома

(Кўқондан Шоҳимардонга)

Боқсамки беш юзча хотин,
Воиз сўзин тинглар экан.

Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бедониши,
Бир «кўш тегирмонлик» киши,
Ҳожи Исо Саркор экан.

Мағрур, хасису бешу кам,
Ҳар гапда юз ичгай қасам,
Так жой олур моховдан ҳам,
Ҳожи ўзи мурдор экан.

Дўрманчага ўтдим кетиб,
Ёқамни ҳар соат тутиб,
Ётдим ул ахиом ғам ютуб,
Дашти қароқчи зор экан.

Унда бўлус Ғози деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрт борча норози деди,
Қилғон иши озор экан.

Боз издиҳоми воизи,
Бадкайф очилмас кўзи,

Юқори бошиндан тизи,
Эрмаклари кўкнор экан.

Сўрсам дедилар Бўрбалиқ,
Бир мунча эчкилар ариқ,
Келса киши
Шому саҳар тайёр экан.

Оқердан ўтдим, бойлари —
Олий иморат жойлари,
Меҳмонсиз ўтқай ойлари,
Келса биров ночор экан.

Аммо назарда Рошидон,
Фирдавс боғдин нишон,
Уйнаб оқар оби-равон,
Саҳни гулу гулзор экан.

Маюс бордим Зоҳидон,
Бир кўча кетгунча дўкон,
Шўх одами ичмай пиён,
Маст отаси безор экан.

Сувлар сепилган сўрилар,
Бўрланган ўчоқ-мўрилар,

Табинг мабодо чай тилар,
Дамлашлари ишқор экан.

Олтиариқ курсин ўшал,
Селларда қолдим бир маҳал,
Бўлдим ивиб ёмғурда шал,
Тўн шилта, ҳўл эзор экан.

Мингбошиси сўфинамо,
Тасбиҳу бўйнида ридо,
Чўқуб қочор зоғу-оло,
Бир доғули айёр экан.

Хайру-саҳо важҳига кар,
Бир пулни юз ердан тугар,
Келса гадоё ногаҳ агар,
Бир нон чиқиш душвор экан.

Кўрдим чуқур Чимён эрур,
Ер остида зиндон эрур,
Душмонлари меҳмон эрур,
Боғи унинг тутзор экан.

Водил мақоми дилфузо,
Кўчаларидур дилқушо,
Анхорида оби-сафо,
Себарга оби шар экан.



Бир йигит билдирги олиш учун Тбилисига борди. Чиновник унинг ҳужжатларини қайтариб берди ва деди:
— Бу ерда учта имзо етишмайпти.
— Қанақасига?! — ҳайрон бўлди йигит. —
Ҳаммаси жойида эди шекилли.
— Йўқ, — деди чиновник. — Хачапуридзе, Шашликидзе ва Арақидзе-Виношвилларнинг имзолари етишмайди.

Л а ш и ф а л а р


Хўжайин аксириб юборганди,
хизматкори шошиб деди:
— Минг йил соғ бўлинг!
— Учир! — дея бақирди хўжайин. — Нега бўлмайдиган тилак тилаяпсан?
— Унда юз йигирма йил яшанг.
— Жим бўл!
— Унда ҳеч бўлмаса юз!
— Тагин тополмадинг!
— Саксон.
— Барибир ундақа эмас!
Хизматкорнинг тоқати тоқ бўлди ва четга қараб деди:
— Менга қолса-ку, ҳозироқ ўлишингни истардим-а!

Узоқ Сибир ўрмонида мужиклар кўл арраларида дарахт кесардилар. Уларга япон арраси жўнатишди. Мужиклар аррани синаб кўрмоқчи бўлдилар. Йўғон эман ходани кўйишди. «Вжик» деган овоз чиқарди арра.
— Ухху, — дейишди қовоғи солиқ мужиклар ва кедр ходасини кўйишди.
«Вжик»...
— Ух-ху! — дейишди қовоғи солиқ мужиклар ва темир кўйдилар.
«Гр-р-р» — деган овоз чиқарди япон арраси.
— Ҳах-ҳа!!! — дейишди мужиклар ва кўларраларини кўтариб дарахт кесишга жўнадилар.



Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм.

Айланма кроссворд



Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:
1. Аргентинада пул бирлиги. 2. Шамсия йил ҳисобидаги тўққизинчи ой номи. 3. Туйилган жўхори ёки бугдойдан пиширилайдиган таом. 4. Халқ термалари асосида айтиладиган ашула. 5. Таомга лаззат берувчи ўсимлик уруғи. 6. Зигир ёғидан қиздириб тайёрланадиган бўёқ. 7. Автомобиль русуми. 8. Электр қувватининг ўлчов бирлиги. 9. Ҳафта кун. 10. Машҳур экстрасенс грузин аёли. 11. Шарқ назмига хос вазн. 12. Миллий чавандозлик мусобақаси. 13. Куч ўлчови бирлиги. 14. Америка адиби, ҳажвий асарлар муаллифи. 15. Туркманистондаги қадимий шаҳар харобаси. 16. Араблардан бошқа халқларга берилган ном. 17. Яхна таом. 18. Мақолдан: ... билганни пари билмас. 19. Бадий ижод соҳаси. 20. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи қаҳрамони. 21. Томонлари тенг, бурчаклари ҳар хил бўлган геометрик шакл. 22. Мақтуб. 23. Фарғона водийсидаги шаҳар. 24. Радиоактив модда. 25. Ўйин-кулгили кеча. 26. Иморат. 27. Нобель мукофотида сазовор бўлган немис адиби. 28. Мусиқа ёзуви. 29. Ёпиқ эгри чизик шакли тури. 30. Барги шифобахш жануб ўсимлиги. 31. Асосан Доғистон ва Озарбойжонда яшовчи миллат. 32. Пойтахти — Техрон. 33. Инерт газ. 34. Юнон алифбосидаги иккинчи ҳарф. 35. Зилзила кучи ўлчови бирлиги. 36. Жанубий Корея худудининг бош шаҳри.
Ф. ОРИПОВ тузди.

11 ноябрда берилган бошқотирманинг жавоблари

Энига: 7. Олибсотар. 8. Аквamarin. 11. Раста. 12. Шакар. 13. Сари. 14. Рашк. 17. Палов. 18. Чавандоз. 20. Истак. 21. Динамо. 22. «Грифон». 25. Рапида. 26. Ишемия. 31. Тарози. 32. Қаҳрамон. 33. Довот. 34. Синч. 37. Чора. 38. Очерк. 39. Фараз. 42. Қаттиққўл. 43. Исломобод.
Бўйига: 1. Алимардон. 2. Онон. 3. Алак. 4. Чархпалак. 5. Фалак. 6. Ятак. 9. Оттава. 10. Шарада. 15. Норин. 16. Асбоб. 18. Чимилдиқ. 19. Зарафион. 23. Работ. 24. Широқ. 27. Мажнунтол. 28. Ихтиро. 29. Аммиак. 30. Томошабин. 35. Очкўз. 36. Майса. 40. Оқим.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ
(масъул котиб —
«Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
(масъул котиб —
«Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби
№ 00001

Буюртма Г — 916,
18042 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида
босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II™
компьютерда терилди
ҳамда оператор
Ж. ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб —
А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир —
Н. ТОШЕВ.
Навбатчи —
Д. ТУРҒУНОВА.
Мусахҳиҳ —
М. ЁҚУБОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41.

Босишга топшириш
вақти — 21.00
топирилди — 23.00
1 2 3 4 5 6